

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

16-сон
(880)
2019 йил
22 апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

305. «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПФ–5708-сон Фармони
306. «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ–4290-сон қарори
307. «2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ–4291-сон қарори
308. «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ–4292-сон қарори
309. «2019 — 2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами

кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон қарори

Учинчи бўлим

310. «Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги 328-сон қарори

Бешинчи бўлим

311. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказининг 2019 йил 18 мартдаги 3-мх, 15-қ/қ-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўтиладиган дарс жараёни учун талаб этиладиган хом ашё материаллари билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3152*)
312. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги 44, 2019-22-сон «Табий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909-5*)
313. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 2-ҚҚ, 01-02/15-18, 4, 01-25-2051-1-сон «Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1717-2*)
314. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 3 апрелдаги 49, 2019-25-сон «Ягона солиқ тўлови тўловчиларининг ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазир-*

лиги томонидан 2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3001-1)

315. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 01/10-12-49-сон «Баҳоловчининг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3153*)
316. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 14 мартдаги 01/10-10/54-сон «Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар билан савдоларни ташкил қилиш»га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2652-2*)
317. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 3 апрелдаги 2019-28, 50, 289-В-4-сон «Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1682-4*)
318. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 11 мартдаги 35-сон «Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3013-1*)
319. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/15-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2063-2*)
320. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/11-сон «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қаро-

ри (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1344-6*)

321. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 20 мартдаги 344-В-1, 13-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-1*)
322. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги 46, 01/22-10/56, 2019-26-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши ва тўланишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1121-5*)
323. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 20 мартдаги 11-24ҚҚ, 26ҚҚ-сон «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981-2*)
324. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2019 йил 27 мартдаги 41-сон «Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2513-1*)
325. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 30 мартдаги 6/6-сон «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003-2*)
326. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 18 апрелдаги 193-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшим-

чалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2547-2*)

327. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 20 февралдаги 01-02/12-6-сон «Товар ва транспорт воситаларининг божхона кўздан кечируви ҳамда уларни божхона кўригидан ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2714-2*)

328. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 20 февралдаги 01-02/12-7-сон «Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3154*)

329. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 19 мартдаги 01-11/01-05-сон «Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3155*)

330. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 19 апрелдаги 197-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг 67-бандига қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-8*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 13 апрелдан 19 апрелгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

305 Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш мамлакат аҳолисининг 60 фоизидан ортиқ қисми яшаётган қишлоқларнинг фаровонлик даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Шу муносабат билан сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимида институционал ислохотлар амалга оширилди, пахта хом ашёси ва бошоқли дон маҳсулотларини давлат томонидан кафолатланган харид нархларини сезиларли даражада кўпайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиявий барқарорлиги оширилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер модели кенг жорий этилмоқда, натижада охириги йилларда пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган ер майдонлари ҳажми мазкур экин тури учун ажратилган қишлоқ хўжалиги ерларининг 52 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда самарали бозор механизмларининг мавжуд эмаслиги тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини бермаяпти.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан бошқаришнинг яхлит тизимини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат томонидан харид қилишнинг бозор механизмларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини жорий этиш, илғор тажриба ва фан ютуқларини, замонавий ресурс тежовчи ва интенсив агротехнологияларни жорий этишни назарда тутувчи қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишда замонавий кооперация муносабатларини кен-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 апрелда эълон қилинган.

гайтириш орқали қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшилган қиймати занжири яратилишини рағбатлантириш;

агробизнеснинг кластер моделини кенг жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, кластерлаш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

агротехник тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиявий барқарорлиги, ҳосилдорлиги паст ерлар унумдорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини оширишга кўмаклашадиган қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш;

кенг қўламли замонавий молиявий хизматларни ривожлантириш ва сифатли қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш имкониятини ошириш орқали қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни рағбатлантириш;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тайёрлаш, фойдаланиш ва экспорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантириш, маҳаллий ва хорижий селекция навлари, шу жумладан биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, зараркунандалар ва бегона ўтларга қарши курашиш, агрокимёвий хизмат кўрсатиш ва тупроқни муҳофаза қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

таълим, фан ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни тизимли асосда узвий интеграциялашувини, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг юқори малакали соҳа мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ва унинг илмий-тадқиқот муассасалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази этиб қайта ташкил этилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази этиб қайта ташкил этилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази ва унинг бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази этиб қайта ташкил этилган ҳолда;

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Вазирлик ихтиёрига ўтказилсин.

3. Белгилансинки:

Вазирлик тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг био ва нанотехнологиялар, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш ва жорий этиш бўйича фаолияти Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида меҳнат ва моддий-техник ресурслар сарфи меъёрларини ишлаб чиқиш ва янгилаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

4. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзагро-кимёхимоя» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатиш ва ўсимликлар химоясини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин, бунда Вазирлик ҳузурида қуйидаги вазифаларни амалга оширувчи ихтисослашган хизмат ташкил этилиши назарда тутилсин:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини ўсимликларни химоя қилиш кимёвий ва биологик воситалар билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ўсимликларни химоя қилиш бўйича профилактик ва интеграциялаштирилган чора-тадбирларни ўз вақтида ташкил этиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар экин майдонларида, томорқа ерларда, иссиқхона хўжаликларида фитосанитария ҳолати устидан доимий кузатув ва назорат олиб бориш, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундалари, касалликлари ва бегона ўтлар ривожланиши ва тарқалишини прогноз қилиш;

ўсимликларни химоя қилиш кимёвий воситаларини ташиш, сақлаш, сотиш ва қўллаш, қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитларни агрокимё хаританомалари асосида тупроқни озуқа моддалари билан таъминланганлигини ҳисобга олиб, табақалаштирилган ҳолда етказиб бериш бўйича белгиланган қоидаларга риоя этилиши устидан назорат қилиш.

5. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда уч ой муддатда ишлаб чиқиладиган «Ақлли қишлоқ хўжалиги» концепцияси доирасида қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш соҳасини молиялаштириш лойиҳалари ва манбалари бўйича таклифлар киритсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Вазирлик ихтиёрига ўтказиладиган ташкилотлар тегишли ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалар бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

лимон ва грек ёнғоғи ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар, картошка ишлаб чиқарувчилар уюшмалари раҳбарлари таъсисчилар умумий йиғилиши қарори билан сайланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ

хўжалиги вазири тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан, хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар, шунингдек, конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Вазирлик марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари фаолиятини молиялаштириш, ходимларни моддий рағбатлантириш (иш ҳақи, мукофот пуллари, устамалар ва бошқа пул мукофотлари тўлаш) манбалари ҳисобланади.

7. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари экспертларини жалб қилган ҳолда уч ой муддатда дон маҳсулотлари нархларини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий этиш бўйича таклифларни;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда халқаро (хорижий) молия институтлари ва маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда бир ой муддатда хорижий тажриба ва жойлардаги ҳақиқий аҳволни чуқур таҳлил қилиш асосида аниқ молиявий манбаларни ва механизмларни кўрсатган ҳолда қуйидагиларни назарда тутувчи 2019 — 2021 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун фойдаланилмаётган ер майдонларини ўзлаштириш концепцияси лойиҳасини киритсин:

замонавий ирригация ва мелиорация технологиялари ҳамда ерларни суғориш усулларини кенг жорий этиш;

тўғридан-тўғри инвестицияларни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фаол жалб этиш;

Концепцияни амалга оширишда иштирок этувчи тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

8. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5418-сон Фармонининг 2 ва 8-бандлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3671-сон қарорининг 1 ва 2-бандлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини ташкил этиш;

Тошкент давлат аграр университети фаолиятини такомиллаштириш;
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Уруғчиликни ривожлантириш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳаларини киритсин.

10. Вазирлик икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 апрель,
ПФ-5708-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

306 Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Соғлиқни сақлашда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган комплекс чора-тадбирлар натижасида нодавлат тиббиёт муассасалари сонини янада кўпайтириш ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишдаги ҳиссасини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни жорий этишнинг институционал ва ҳуқуқий механизмларини яратиш масаласи ҳали-ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Хусусий соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш, ушбу соҳада давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, инвестицияларни, айниқса, чет эл инвестицияларини жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, аҳолининг юқори технологик тиббий хизматлар ва ускуналардан фойдаланиш имкониятларини оширишда нодавлат сектори иштирокини рағбатлантириш мақсадида:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 апрелда эълон қилинган.

1. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низом 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари давлат ва хусусий шерик ўртасида қуйидаги бир ёки бир неча шаклларни бирлаштириш орқали амалга оширилади:

соғлиқни сақлаш соҳасида жамоат инфратузилмасини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, яратиш, жиҳозлаш, модернизация қилиш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида товарларни етказиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари хусусий шерикни танлаб олиш тендер асосида ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали амалга оширилади;

в) битимнинг амал қилиш муддати давлат ва хусусий шерик томонидан белгиланади. Бунда у уч йилдан кам бўлмаслиги ва 49 йилдан ошмаслиги керак;

г) давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда хусусий шерикка ажратилган ер участкалари, сотиб олинган тиббий ва бошқа ускуналар, шунингдек, улар томонидан қурилган объектлар битимнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг давлат шеригига топширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш доирасида соғлиқни сақлаш соҳасига инвестиция киритадиган инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарма маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлаш (кейинги ўринларда — имтиёзли кредитлаш) тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Жамғарма давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил қилинадиган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги «Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2718-сон қарорига асосан очилган кредит линияларининг танланмаган маблағлари ҳисобидан ваколатли тижорат банкларига 10 йил муддатгача, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган, йиллик фоиз ставкаси 6 ойлик ЛИБОР плюс 2 фоизга тенг, умумий миқдори 200 млн АҚШ долларигача бўлган кредит линияларини очсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш доирасида имтиёзли кредитлаш тижорат банклари томонидан:

фақатгина импорт қилинадиган замонавий тиббий ускуналар ва инвентарларни сотиб олиш учун — чет эл валютасида киритиладиган инвестиция умумий ҳажмининг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, 8 йилгача бўлган муддатга қайта молиялаштирувчи банкнинг маржаси билан бирга йиллик 1,0 фоиз миқдорида;

инвестор томонидан киритиладиган инвестициялар умумий ҳажмининг 80 фоизидан кам бўлмаган миқдорида хусусий, шу жумладан хорижий инвестиция киритиш шарти билан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва Адлия вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари билан биргаликда бир ой муддатда ва кейинчалик ҳар йили давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларининг ер участкалари, бинолари ёки уларнинг қисмлари ва хоналари, шунингдек, самарасиз фаолият кўрсатаётган давлат тиббиёт муассасалари ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида устувор йўналишга эга бўлган тиббий ва қўшимча хизматлар рўйхатини шакллантирсин ва улар тўғрисидаги маълумотларни тегишли ихтисослашган веб-сайтларга жойлаштиради;

икки ой муддатда илғор халқаро тажрибани инobatга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик битимларининг намунавий шакллари ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой муддатда соғлиқни сақлаш соҳасида, шу жумладан республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари иштирокида амалга ошириладиган бирламчи аҳамиятга эга бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг концепциясини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

2019 йил 15 августга қадар давлат-хусусий шериклик битимларини тузиш ҳуқуқини берувчи тендер эълон қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари билан биргаликда, шу жумладан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг бюджетдан ташқари маблағлари, техник кўмак маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан экспертлар ва консультантларни жалб этган ҳолда давлат-хусусий шериклик аниқ лойиҳаларининг концепциялари, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда хорижий инвесторларга давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисида маълумот етказилишини, шу жумладан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида ва «Инвестиция портали»да эълон бериш орқали таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, бошқа таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда

бир ой муддатда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти негизда давлат тиббиёт муассасалари раҳбарлари учун хорижий инвесторларни жалб этиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида инвестицион фаолиятни бошқариш масалалари бўйича мазкур тиббиёт муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шартнома асосида қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил қилсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимовга — соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш доирасида вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, шунингдек, мазкур қарорнинг амалга оширилишини мунтазам муҳокама қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоровга — соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур бўладиган бюджет маблағларининг ҳажмини ўз вақтида аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шодмоновга — соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш ҳамда уларни амалга ошириш, лойиҳалар ташаббускорларига зарур бўладиган молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистик ва бошқа маълумотларни олишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги директори Г.А. Холжигитовга — Соғлиқни сақлаш вазирлигига давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда, шу жумладан аниқ лойиҳаларнинг концепциялари, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш юзасидан шахсий жавобгарлик белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.А. Абдуҳакимов, Э.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 апрель,
ПҚ-4290-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**307 2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида***

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида изчил сиёсат амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2017 — 2018 йилларда қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилди, 13 та санитария жиҳатидан тозалаш давлат унитар корхоналари ҳамда уларнинг туман ва шаҳарлардаги 172 та филиали, шунингдек, 9 та маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерлари ташкил этилди. Кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг деярли ярмини санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан қамраб олинишига имкон берди.

Шу билан бирга қишлоқ аҳоли пунктларида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг етарли даражада таъминланмаганлиги, қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги инфратузилманинг қониқарсиз ҳолатда эканлиги, мавжуд қаттиқ маиший чиқинди полигонларининг санитария талаблари ва экологик меъёрларга мувофиқ келмаслиги мазкур соҳада комплексли чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этмоқда.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш бўйича самарали тизимни яратиш, уларнинг фуқаролар соғлиги ва атроф-муҳитга зарарли таъсирини бартараф қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишни назарда тутувчи, 2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга йўналтирилган санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини ривожлантириш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашнинг самарали ва замонавий тизимини яратиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 апрелда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

полигонларга кўмиш учун йўналтириладиган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажмини камайтириш, санитария ва экологик меъёрлар талабларига мувофиқ келадиган замонавий қаттиқ маиший чиқинди полигонларини яратиш, шунингдек, мавжуд полигонларни ёпиш ва рекультивация қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида нархлар шаклланишини такомиллаштириш ва тарифларни оптималлаштириш;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларидан муқобил энергия манбалари сифатида фойдаланиш.

2. Қуйидагилар Стратегиянинг асосий принциплари этиб белгилансин:

Стратегияни амалга оширишнинг барча босқичларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

қаттиқ маиший чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш мақсадида улар билан амалга ошириладиган барча жараёнлар устидан назоратни таъминловчи қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича харажатлар чиқиндиларни ҳосил қилувчилар томонидан қопланишини кўзда тутувчи, тегишли ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни яратиш заруриятини белгиловчи «ифлослантирувчи тўлайди» принципини жорий этиш;

танлов асосида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш жараёнининг очиқлиги ва шаффофлиги.

3. Стратегия қуйидаги босқичларда амалга оширилиши белгилансин:

биринчи босқич (2019 — 2021 йиллар) — қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик базасини ва иқтисодий тартиботлар механизмларини такомиллаштириш, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида санитария жиҳатидан тозалашнинг моддий-техник базасини ва инфратузилмасини ривожлантириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида экологик таълим тизимини ривожлантириш учун методик ва ахборот таъминотини яратиш;

иккинчи босқич (2022 — 2028 йиллар) — қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш, полигонларни оптималлаштириш, қайта юклаш станциялари ва чиқиндиларни қайта ишлаш объектларини қуриш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, қуйидаги мақсадли индикаторларга эришиш:

аҳолини қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олишни 100 фоизга етказиш;

ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг камида 60 фоизини қайта ишлашни таъминлаш;

ўзига хос қаттиқ маиший чиқиндиларни (таркибида симоб бўлган чи-

қиндилар, автошиналар, аккумуляторлар, ишлатилиб бўлинган мойлар, қадоклаш чиқиндилари ва х. к.) қайта ишлаш ҳажмини 25 фоизгача ошириш;

полигонларга кўмиш учун йўналтириладиган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажмини 60 фоизгача камайтириш;

барча полигонлар ҳолатини ўрнатилган талабларга мувофиқлаштириш, ёпилган полигон ерларини тўлиқ рекультивация қилиш;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларида муқобил энергия манбаларидан 35 фоизгача фойдаланиш;

полигонлар ҳолати мониторингини (ер ости (сизот) сувлари ва атмосфера ҳавосининг ҳолати устидан назорат) 100 фоизгача таъминлаш.

4. 2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури (кейинги ўринларда — Ҳаракатлар дастури) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини, шунингдек, маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли молиялаштириш маблағларининг хусусий секторга жалб қилинишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси аҳолининг экологик маданиятини ошириш бўйича ишларни, шунингдек, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, кенг кўламли тарғибот фаолиятини ташкиллаштиришни кучайтирсин.

8. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири А.Ж. Раматовга — Стратегия ва Ҳаракатлар дастурининг амалга оширилишида масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкиллаштириш ҳамда мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Кучкаров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Стратегия ва Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг ўз муддатларида бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахбо-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича, шунингдек, Стратегия ва Ҳаракатлар дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисида мақолалар ҳамда мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 апрель,
ПҚ-4291-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

308 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сон Фармони ижро этиш ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

бошқарув ходимларининг чекланган сони 132 нафардан иборат Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тузилмаси, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 3 ва 4-иловаларга** мувофиқ;

туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимларининг намунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 5 ва 5а-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 апрелда эълон қилинган.

** 1 — 5а-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигига:

зарур ҳолларда, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппарати, Вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар ва муассасалар тузилмасига ўзгартишлар киритиш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари тузилмаларини ва бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида уларнинг бошқарув ходимлари чекланган сонини тасдиқлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда иш ҳақи миқдори ҳамда бошқа тўловларни чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда билим тарқатувчи мутахассис ва тренерларни тайёрлаш учун Тошкент давлат аграр университети ҳамда унинг Нукус, Андижон ва Термиз филиаллари ҳузурида ўзини ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатадиган агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил этилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил этилишини, жойлаштирилишини ва самарали фаолият кўрсатишини таъминласин.

4. Вазирлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда интеграциялашган электрон ахборот айирбошлаш тизими ва портали, шунингдек, агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг техник кўмаги ва грант маблағларини жалб этиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар республика ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва инвестиция салоҳияти, захира ерлари тўғрисидаги ахборотлар, статистик ва гидрометеорологик маълумотлар, инфратузилма объектлари ва коммуникация тармоқлари билан таъминланганлиги ҳамда соҳага доир бошқа маълумотлардан иборат «invest.gov.uz/agro» Ўзбекистон инвестиция порталида тегишли ахборот блоки ва унинг мобил иловаси яратилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, 2019 йил 1 майдан:

Вазирлик марказий аппарати ходимларининг лавозим маошларини Яго-

на тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффиценти 1,4 бараварга оширган ҳолда қўлланилади;

худудий бўлинмалар ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффиценти 1,2 бараварга оширган ҳолда қўлланилади.

Ушбу бандни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Вазирлик бир ой муддатда:

а) Вазирликнинг янги ташкил этилган таркибий ва идоравий бўйсунувидаги бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек, Вазирлик марказий аппарати ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқласин;

Вазирликнинг марказий аппарати ва унинг худудий бўлинмаларини зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга, Вазирликка юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

б) халқаро ташкилотларнинг ва хорижий мамлакатлар молиявий муасасаларининг техник кўмаги ҳамда грант маблағларини жалб қилган ҳолда ҳудудларда агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) тармоқларини босқичма-босқич ташкил этишга доир «Йўл харита-си»ни тасдиқласин;

в) аниқ кўрсаткичлар ва мақсадли индикаторларга эришишга асосланган Вазирлик, унинг бўлинмалари ва улар раҳбарларининг фаолиятини баҳолашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган қишлоқ хўжалигини стратегик ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш сифати ҳамда самарадорлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

8. Вазирлик икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 апрель,
ПҚ-4292-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**309 2019 — 2021 йилларда республика аҳолисига эндо-
кринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш
бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида***

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш доирасида аҳолига эндокринология ёрдамини кўрсатишнинг яхлит, вертикал интеграциялашган тизими яратилди. Эндокринология муассасаларини юқори технологияли ускуналар билан жиҳозлаш ва эндокрин касалликларни профилактика, диагностика қилиш ҳамда даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, эндокринология хизматини янада ривожлантириш эпидемиологик вазиятни баҳолаш ҳамда қандли диабет ва йод танқислиги ҳолати юзага келишининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилишни, шунингдек, эндокринология йўналишларини болалар эндокринологиясининг талаб юқори бўлган йўналишлари билан биргаликда қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Ихтисослашган самарали ва замонавий эндокринология ёрдами тизимини шакллантириш, қандли диабет ва бошқа эндокрин касалликлар профилактикаси ва уларни барвақт аниқлаш чораларини янада такомиллаштириш, аҳолига ихтисослашган юқори малакали эндокринология ёрдамини кўрсатиш сифати ва имкониятларини ошириш мақсадида:

1. 2019 — 2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш миллий дастури (кейинги ўринларда — Миллий дастур) иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Миллий дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

эндокрин касалликларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва аҳолини профилактика тадбирлари билан қамраб олиш бўйича вазиятни тубдан яхшилаш;

қандли диабетга чалинган беморларнинг онлайн-регистрини яратиш, беморларни даволаш амалиётига қандли диабетнинг сурункали асоратлари юзага келиши ва ривожланишини камайтиришга қаратилган клиник ёндашувларни жорий қилиш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш;

вилоятлар эндокринология диспансерлари ва филиалларида эндокрин хирургия, диабетик тўпик, диабетик нефропатия ва реанимация бўлимларини ташкил қилиш орқали кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш;

«қандли диабет» ташхиси қўйилган болалар, ўсмирлар ва ҳомиладор

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 апрелда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

аёлларни аналогли инсулин ҳамда инсулин юбориш учун мосламалар ва ўзини ўзи назорат қилиш воситалари билан таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш;

худудий ўзини ўзи назорат қилиш мактаблари негизида профессионал инструкторларни жалб қилган ҳолда эндокрин касалликларга чалинган беморлар ва уларнинг оила аъзоларини касалликларни тўғри олиб бориш ва назорат қилишга ўқитиш;

эндокринология муассасаларининг тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

эндокринология соҳасидаги маҳаллий илмий тадқиқотлар кўламини, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва соғлиқни сақлаш амалиётига жаҳондаги илғор тажрибалар, илмий ишланмаларни татбиқ қилиш;

янги эндокринология муассасаларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий диагностика ва махсус тиббий ускуналар, воситалар ва инвентарлар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) орқали эндокринология муассасаларини модернизация қилиш ва уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Миллий дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва халқаро ҳукумат молиявий ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини жалб қилиш бўйича чоралар кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг қуйидагиларни мунтазам равишда амалга оширишни кўзда тутовчи тартибни жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

қандли диабетнинг I тури билан касалланган болалар ва ўсмирлар учун аналогли инсулинлар ва ўзини ўзи назорат қилиш воситаларини (тест-чиқичалар) марказлашган тарзда харид қилиш ва барча вилоят эндокринология диспансерлари орқали тарқатиш;

калий йодид препаратлари билан узлуксиз таъминлаш орқали аҳолининг касалликка чалиниш хавфи юқори бўлган гуруҳлари (болалар, ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар) орасида йод танқислиги касалликларини профилактика қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетида ушбу бандни ижро этиш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 августга қадар бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг штатлар нормативларини қўшимча эндокринолог, шу жумладан болалар эндокринологи лавозимларини киритишни кўзда тутган ҳолда қайта кўриб чиқсин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, эндокринолог, шу жумладан болалар эндокринологи лавозимларини киритиш бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг мавжуд штат бирликлари доирасида амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, аҳоли ўртасида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 апрель,
ПҚ-4295-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

310 Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ ҳамда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиблари борасидаги билимларни оширишга қаратилган ўқув семинарларини ўтказиш режасини ишлаб чиқсин ва унинг амалга оширилишини таъминласин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирайсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, маънавият, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари масалалари котибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 апрель,
328-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 апрелда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 18 апрелдаги 328-сон қарорига
ИЛОВА

**Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек,
шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда
овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг
раислари (оқсоқоллари) томонидан ишончномаларни
тасдиқлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) (кейинги ўринларда фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) деб аталади) томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) хат-хабарларни, шу жумладан пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банклардан суммаларни олишга ишончномаларни (кейинги ўринларда ишончномалар деб аталади) тасдиқлаши мумкин.

3. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ишончномаларни тасдиқлашда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланаётган ишончномаларга фуқаролар йиғинларининг номлари қайд этилган муҳр босилади.

4. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ишончномаларни тасдиқлашда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишончноманинг лойиҳаларини тузиш ва ишончномага доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш;

жисмоний шахслардан ишончномаларни тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

5. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ишончномаларни тасдиқлашда:

жисмоний шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беришга;

томонлар тақдим этган ишончнома лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириб бериш, уларнинг мазмуни томонларнинг асл мақ-

садига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширишга;

қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ишончномаларни амалга оширишни рад этишга;

ишончномаларни тасдиқлаш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, зарур чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тегишли органларга бу ҳақда хабар қилишга мажбур.

6. Ишончномалар давлат тилида расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган ишончнома матни фуқароларнинг талабига биноан фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан рус тилида ёки имкони бўлса, бошқа мақбул тилда берилади.

Агар, ишончнома мурожаат қилган шахс тушунмайдиган ёки яхши билмайдиган тилда расмийлаштирилса, унда ишончнома матни фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ёки мурожаат қилган шахс таниган таржимон томонидан оғзаки таржима қилиниши мумкин. Бу ҳақда ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ким томонидан таржима қилинганлиги ва матн мазмуни тушунтирилганлиги ҳақида фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан ёзиб қўйилиши, имзоланиши ва муҳр қўйилиши керак. Бундай ҳолда мурожаат қилган шахс ўзи биладиган тилда исми, фамилияси, отасининг исмини тўлиқ ёзиб, имзо қўяди.

7. Фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан тасдиқланадиган ишончномалар мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ишончномаларни рўйхатга олиш китобида (кейинги ўринларда Рўйхатга олиш китоби деб аталади) рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш китобидаги ёзувлар қалам билан ёзилишига йўл қўйилмайди. Очиқ қолган жойларга чизик тортиб қўйилади.

Ҳар бир ишончнома алоҳида тартиб рақам билан рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш китобида қайд этилган ишончнома рақами фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланадиган ёки бериладиган ишончноманинг тасдиқловчи ёзувида кўрсатилади.

Рўйхатга олиш китобидаги тартиб рақамларининг рақамланишида хатолликка йўл қўйилса, алоҳида маълумотнома тузилади ва фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) имзоси ва муҳри билан рўйхатга олиш китобига елимланиб қўйилади.

8. Ишончномаларни тасдиқлаш фуқаролар йиғини жойлашган бинода амалга оширилади. Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра фуқаролар йиғинига бора олмайдиган айрим ҳолларда ишончномалар фуқаролар йиғини биносидан ташқарида, яъни мазкур жисмоний шахс ёхуд унинг вакили жойлашган жойда тўлдирилиши мумкин.

Ишончномалар фуқаролар йиғини жойлашган бинодан ташқарида тўлдирилса, ҳужжатнинг тасдиқловчи ёзувида ва ишончномаларни рўйхатга олиш китобида ишончнома расмийлаштирилган жойнинг манзили кўрсатилади.

9. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ишончномани расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакилларининг, шунингдек, васий ва ҳомийларининг) шахсини аниқлайди.

Ишончномани расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилувчи фуқароларнинг шахси қуйидаги ҳужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон фуқароларининг шахси — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти;

16 ёшга тўлмаган фуқароларнинг шахси — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

ҳарбий хизматчиларнинг шахси — ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

чет эл фуқароларининг шахси — уларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олинishi лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

фуқаролиги бўлмаган шахс учун — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

10. Ишончнома тасдиқлаб берилётганда ишончнома берувчининг муомала лаёқати белгиланган тартибда аниқланади. Ишончнома вакил томонидан тузилган тақдирда, унинг ваколати ҳам текширилади.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан фуқароларнинг муомала лаёқати улар билан шахсий мулоқот давомида аниқланади.

11. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли)да ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилувчилар руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди ёки ўз ҳаракатларини бошқара олмайди ёхуд спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилиши оқибатида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяди деб ҳисоблаш учун асос бўлса-да (шубҳа тўғрисида), аммо шу фуқаронинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, улар ишончномани тасдиқлашни кечиктиради ва суднинг шу шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топганлиги тўғрисидаги қарори бор-йўқлигини аниқлайди.

Агар, мазкур шахс суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ишончномани тасдиқлашни рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ушбу қарордан норози томоннинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим.

Агар, мазкур шахс суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган бўлса, фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ишончномани тасдиқлашда муомала лаёқати чекланган шахс ҳомийсининг розилигини талаб этади.

12. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ишончномани ҳақиқий эмас деб топганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажримини олган тақдирда, бу ҳақда ишончномаларни рўйхатга олиш ки-

тобига ва ишончноманинг фуқаролар йиғинида сақланадиган асл нусхасига тегишли ёзув киритади, ўз имзоси ва муҳрини қўяди.

13. Жисмоний шахслар томонидан тақдим қилинган ёки фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан тузиладиган ишончнома лойиҳалари қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

14. Ишончномалар фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) иштирокида имзоланади.

Агар, фуқаро жисмоний нуқсони, касаллиги, саводсизлиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра ишончномани ўз қўли билан имзолай олмаса, ишончномани унинг топшириғига кўра ўзи ва фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда ишончнома тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўйилиши шарт.

Агар, ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўрмаса, шунингдек, касаллиги туфайли ишончномани ўқий олмаса, фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этади.

Ишончнома тасдиқлашни сўраб кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир) бўлган шахс мурожаат қилса ҳамда саводсиз бўлса, ишончномани тасдиқлаш пайтида у билан муомала қила оладиган ва ишончноманинг мазмуни унинг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан тасдиқловчи сурдо таржимон ҳозир бўлиши шарт.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир) бўлган ҳамда муомала лаёқатига эга бўлган саводли фуқаро ишончнома тасдиқлашни сўраб мурожаат қилса, ишончнома унинг ўзи томонидан ва сурдо таржимон томонидан имзоланиши мумкин.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоғи оғир) бўлган, муомала лаёқатига эга бўлган, бироқ сурдо таржимон билан мулоқот қила олмайдиган саводли фуқаро ўз имзоси билан ишончноманинг мазмуни ўзининг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) билан ёзма равишда билдирадиган бўлса, ишончномани тасдиқлашда сурдо таржимоннинг иштироки шарт эмас. Ушбу ёзишмалар ишончнома билан бирга тикиб қўйилади.

Таржимон ёки сурдо таржимон ишончнома таржимасини нотўғри ёки ёлғон таржима қилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши ҳақида фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан огоҳ-лантирилади ва бу ҳақда ишончнома матнида кўрсатилади.

2-боб. Ишончномаларни тасдиқлаш тартиби

15. Ишончноманинг матни аниқ ва равшан, мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар кўрсатилган бўлиши шарт. Фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий рўйхатга олинган манзили кўрсатилган ишончно-

маларни тасдиқлашда чет эл фуқаролари қатнашаётган бўлса, уларнинг фуқаролиги ҳам кўрсатиб ўтилиши керак.

16. Ишончномадаги охиригача тўлдирилмаган сатрлар ва бошқа бўш жойларга чизик тортиб қўйилади, чет элда амал қиладиган ишончномалар бундан мустасно. Қўшимча ва тузатишлар тегишли шахсларнинг (ишончномани имзолаган бошқа шахсларнинг) имзоси олдидан изоҳланиши ва тасдиқловчи ёзувнинг охирида фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) имзосидан олдин такроран изоҳланиши, фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши керак. Тасдиқловчи ёзувдаги тузатишлар фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) имзосидан олдин изоҳланиши ва имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланиши керак. Бунда тузатишлар шундай қилиниши керакки, ўчирилган барча сўзларни ва рақамларни бошланғич матнда ўқиш имкони бўлиши лозим.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ўз ташаббуси билан ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосига кўра, ишончномага унинг моҳиятини ўзгартирмайдиган қўшимчаларни киритиши ёки ундаги аниқ арифметик хатоларнигина тузатиши мумкин.

17. Мурожаат қилувчининг илтимосига кўра, ишончнома лойиҳаси фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан тузилиши мумкин.

18. Ишончномаларни тасдиқлашда мазкур Низомга 2 ёки 3-иловаларда келтирилган намуналарга мувофиқ тасдиқловчи ёзувлар ёзилади ҳамда фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан имзоланиб, муҳр босилади.

19. Тасдиқловчи ёзувнинг матни компьютер воситасида ўчирилмасдан аниқ ёзилиши шарт. Очик жойларга чизик тортиб қўйилиши, ёзувлар ва бошқа тузатишлар ушбу Низомнинг 16-банди асосида изоҳланиши керак.

Тасдиқловчи ёзувларни амалга ошириш учун тегишли ёзув матни бўлган штамплар ишлатилиши мумкин.

20. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан ишончномаларни тасдиқлаш учун ҳужжатлар қуйидаги ҳолларда қабул қилинмайди:

кириб ўчирилган ёки қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган, шунингдек, қаламда ёзилган ҳужжатлар;

бир неча варақларда баён этилиб, варақлари рақамланмаган ва ип ўтказиб тикилмаган ҳужжатлар, ҳужжатни берган ташкилот мансабдор шахсининг имзоси ва муҳри бўлмаган ҳужжатлар;

факсимиле имзо муҳри қўйилган ҳужжатлар.

21. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) қуйидаги ҳолларда ишончномани тасдиқлашни рад этади, агар:

бундай ишончномани тасдиқлаш қонунга зид бўлса;

бу ҳаракат нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса;

муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган бўлса;

ишончномани тасдиқлаш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг қалбакилаштирилганлиги яққол кўри-

ниб турган бўлса ёки бунга шубҳа туғдирувчи етарли асослар мавжуд бўлса, ишончнома тасдиқлаш учун тақдим этилаётган хужжатлар қонун хужжатлари талабларига мувофиқ эмас деб ҳисобланади.

Ишончномани тасдиқлаш рад этилган тақдирда фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ қарор чиқаради ҳамда мурожаат қилган шахсга беради.

Рад этиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

қарор чиқарилган сана, қарор чиқарган фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) фамилияси, исми ва отасининг исми, фуқаролар йиғинининг номи, жойлашган жойи (почта манзили);

ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, турар жойи;

ишончномани тасдиқлашни рад этишга сабаб бўлган ҳолатлар (қонун хужжатларига асосланган ҳолда);

шикоят қилиш тартиби.

22. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ишончнома тасдиқлаш учун ўз иш жойидан ташқарига чиққанида, манфаатдор жисмоний шахслар унинг амалдаги транспорт харажатларини қоплайди.

23. Ишончномани тузиш ва тасдиқлаш учун ишончли вакилнинг иштироки талаб этилмайди.

Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчи томонидан тақдим этилган хужжатлар ёки унинг сўзларига асосан ёзилиши мумкин. Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчининг сўзларига асосан ёзилган ҳолда берилган маълумотларнинг тўғрилиги учун ишончнома берувчи масъулдир. Бу ҳақда ишончнома матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этиб қўйилади.

24. Ишончнома матнида унинг тузилган (имзоланган) жойи ва санаси, ишонч билдирувчи ва ишончли вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий рўйхатга олинган манзили, ишончли вакилга берилаётган ваколатлар доираси, Фуқаролик кодексининг 141 ва 142-моддалари тушунтирилганлиги кўрсатилиб ўтилиши керак.

25. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ҳамда унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг қариндош-уруғлари (ота-онаси, болалари, набиралари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари), улар билан васийлик ва ҳомийлик туфайли боғланган шахслар номига ҳамда уларнинг номидан ишончномаларни тасдиқлашга ҳақли эмас.

Бундай ҳолларда ишончномалар исталган бошқа фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан амалга оширилади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошидаги қоидалар бузилган ҳолда тасдиқланган ишончномалар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

26. Фуқаролар йиғинларининг раислари жисмоний шахсларга уларнинг ёзма аризасига мувофиқ ҳамда суд, прокуратура, тергов органларининг қарор

ёки ажрим шаклида ёхуд процессуал қонунларда белгиланган бошқа тартибда расмийлаштирилган талабномаларига асосан рўйхатга олиш китобидан кўчирмалар беради.

27. Фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан тасдиқланган ёки берилган, нусхалари фуқаролар йиғинининг йиғмажилдларида сақланаётган ишончномалар йўқолган тақдирда, жисмоний шахсларнинг ёки уларнинг қонуний вакилларининг ёзма аризасига кўра, йўқолган ҳужжатларнинг дубликатлари берилади.

Аризалардаги имзолар фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларига берилган ишончномалар матнида ҳужжатнинг дубликатини олиш ваколоти кўрсатилган бўлиши лозим.

Ишончнома дубликатада тасдиқланган ва берилган асл ишончноманинг тўлиқ матни бўлиши шарт.

28. Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар, ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

29. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунича ўз кучини сақлайди.

30. Ишончнома берувчи томонидан ишончнома бекор қилинган тақдирда, рўйхатга олиш китобига ҳамда фуқаролар йиғинининг раисида (оқсоқолида) сақланаётган ишончнома нусхасига белги қўйилади. Ушбу ариза ишончнома нусхасига ёки алоҳида йиғмажилдга тикиб қўйилади. Аризанинг иккинчи нусхаси ишончли вакилни хабардор қилиш учун ишонч билдирувчига берилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

31. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан ишончномалар тасдиқланганлиги учун тўлов ундирилмайди.

32. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Намуна

Ишончномаларни рўйхатга олиш КИТОБИ

Тартиб раами	Тасдиқлаш санаси	Ишонч билдирувчининг Ф.И.О. ва яшаш жойи	Ишончноманинг қисқача мазмуни	Ҳужжат олинганлиги ҳақида имзо
1	2	3	4	5

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Намуна

Ишончнома берувчи томонидан шахсан имзоланган ишончноманинг тасдиқловчи ёзуви

20__ йилнинг «__» _____ куни.

Ушбу ишончномани мен, _____
(фуқаролар йиғинининг номи, ишончномани тасдиқловчи

_____ тасдиқладим.

шахсининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

Ишончнома фуқаро _____
(ишонч билдирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

томонидан менинг ҳузурида имзоланди.

Ишонч билдирувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Рўйхатга олиш китобига _____ рақами билан қайд этилди.

(тасдиқловчи шахс лавозими)

(имзо ва муҳр)

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар,
шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги,
қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳалла-
лар фуқаролар йиғинларининг раислари
(оқсоқоллари) томонидан ишончномаларни
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Намуна

**Ишонч билдирувчининг илтимосига кўра бошқа шахслар
томонидан имзоланган ишончноманинг тасдиқловчи ёзуви**

20__ йилнинг «__» _____ куни.

Ушбу ишончномани мен, _____

(фуқаролар йиғинининг номи, ишончномани тасдиқловчи

_____ тасдиқладим.

(шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

Фуқаро _____ нинг

(ишонч билдирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

(касаллиги, кўзи ожизлиги ва ҳоказо)

туфайли унинг илтимосига кўра ва менинг ҳузуримда ишончномани фуқаро

(ишончномани ишонч билдирувчининг илтимосига кўра имзоловчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

имзолади.

Ишонч билдирувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Ишончномани имзоловчининг шахси аниқланди ва муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Рўйхатга олиш китобига _____ рақами билан қайд этилди.

(тасдиқловчи шахс лавозими)

(имзо ва муҳр)

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар,
шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги,
қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳалла-
лар фуқаролар йиғинларининг раислари
(оқсоқоллари) томонидан ишончномаларни
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Ишончномани тасдиқлашни рад этишнинг
намунавий матни**

20__ йилнинг «__» _____ куни.

Мен, _____
(фуқаролар йиғинининг номи, ишончномани тасдиқловчи

_____ .
шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

Фуқаро _____ НИНГ
(мурожаат қилувчининг манзили, фамилияси, исми, отасининг исми)

ишончномани тасдиқлаш ҳақидаги мурожаатини кўриб чиқиб, _____
_____ туфайли ишончномани тасдиқлашни рад этаман.
(рад этиш асослари)

Ушбу рад этиш юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин.

(тасдиқловчи шахс лавозими)

(имзо ва муҳр)

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИНИНГ КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

311 Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўтиладиган дарс жараёни учун талаб этиладиган хом ашё материаллари билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3152*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги 868-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўтиладиган дарс жараёни учун талаб этиладиган хом ашё материаллари билан таъминлаш меъёрлари иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 март,
3-мх-сон

**Касб-хунар таълим
маркази директори**

М. ХОЛМУХАМЕДОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 март,
15-қ/қ-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 апрелда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**312 Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб
чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909-5*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 10 февралдаги 21, 2009-10-сон қарори (рўйхат рақами 1909, 2009 йил 24 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 98-модда) билан тасдиқланган Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
44-сон

Д. КУЧКАРОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
2019-22-сон

Б. МУСАЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги
44, 2019-22-сон қарорига
ИЛОВА

**Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб
чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

- 2-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«**соф қўшимча фойда** — қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ чегириб ташланган, ҳисобот давридаги қўшимча фойда суммасидир.».
- 15-банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- Илованинг 060-сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« Қўшимча фойдага тўғри келадиган қисми бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ___% ставкада (050-сатр х ___%)	060	АҚШ долл.				».
--	-----	--------------	--	--	--	----

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА
ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

313 Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1717-2

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сон «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2007 йил 27 августдаги 11, 01-02/15-23, 31 ва ЭГ-01/10-4715-сон қарори (рўйхат рақами 1717, 2007 йил 20 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 37-38-сон, 396-модда) билан тасдиқланган Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 март,
2-ҚҚ-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 апрелда эълон қилинган.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси****М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 27 март,
01-02/15-18-сон

Иқтисодиёт ва саноат вазири**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 27 март,
4-сон

**Инвестициялар
ва ташқи савдо вазири****С. УМУРЗАКОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 27 март,
01-25-2051-1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси, Давлат
божхона қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат
вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо
вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 2-ҚҚ,
01-02/15-18, 4, 01-25-2051-1-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси
маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-банддаги «15-санасида эса» деган сўзлар «ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январигача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 7 ва 8-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

314 «Ягона солиқ тўлови тўловчиларининг ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3001-1

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 4 апрелдаги 69, 2018-20-сон «Ягона солиқ тўлови тўловчиларининг ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3001, 2018 йил 16 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 16-сон, 341-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2019 йил 3 апрель,
49-сон

Д. КУЧКАРОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2019 йил 3 апрель,
2019-25-сон

Б. МУСАЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 апрелда эълон қилинган.

Келишилган:

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2019 йил 3 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

315 Баҳоловчининг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3153*

Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 июндаги ПҚ–3764-сон «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бўюраман:**

1. Баҳоловчининг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 7 августдаги 230-сон «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3063, 2018 йил 29 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2018 й., 10/18/3063/1811-сон) ўз қучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Директор

Н. ЖўРАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 5 март,
01/10-12/49-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш агентлиги
директорининг 2019 йил 5 мартдаги
01/10-12/49-сон буйруғига
ИЛОВА

Баҳоловчининг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ–5624-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сон «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги ва 2018 йил 1 июндаги ПҚ–3764-сон «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ малака имтиҳонини ўтказиш, баҳоловчининг малака сертификатини бериш, муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

баҳоловчининг малака сертификати (бундан буён матнда малака сертификати деб юритилади) — жисмоний шахсга, агарда у баҳоловчи ташкилотнинг штатида турса ёки баҳоловчи ташкилот томонидан у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилган бўлса, мулкни баҳолашни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган сертификат;

малака имтиҳони — талабгорнинг баҳолаш фаолияти соҳасидаги касбий билимларини текшириш шакли;

баҳоловчи — малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

талабгор — малака сертификатини олишга талабгор бўлган жисмоний шахс;

махсус ўқувдан ўтганлик ҳақида сертификат — баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари таклифларини ҳисобга олган ҳолда, ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган дастур бўйича баҳоловчиларни тайёрлаш марказларида махсус ўқувдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи ваколатли орган (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги.

2-боб. Талабгорларга қўйиладиган талаблар

2. Малака имтиҳонидан ўтиш учун талабгор:

а) олий иқтисодий, юридик ёки техник маълумотга, баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси лавозимида сўнгги беш йилда камида бир йил иш стажига эга бўлиши;

ёхуд олий маълумотга, сўнгги беш йилда мол-мулкни баҳолашда баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси лавозимида камида икки йил иш стажига эга бўлиши керак.

Бунда хорижий давлатларда олинган олий маълумот ёки илмий даража белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидаги маълумотга эквивалент деб топилган тақдирда эътиборга олинади;

б) махсус ўқувдан ўтганлик ҳақида сертификатга эга бўлиши, бунда ўқиш тугаган пайтдан бошлаб имтиҳон топшириш учун ҳужжатлар топширилгунгача ўтган вақт ўн икки ойдан ошмаслиги керак.

3. «Баҳолаш иши: баҳолаш фаолияти ва риэлторлик (объектлар бўйича) (5A231501)» ёки «Кўчмас мулкни экспертиза қилиш ва бошқариш: Баҳолаш ва кўчмас мулкни бошқариш (5A340901)» мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлган ёки баҳоловчининг халқаро сертификатига эга бўлган талабгор махсус ўқувдан ўтмасдан малака имтиҳонини топширишга ҳақли.

3-боб. Малака имтиҳонини топшириш тартиби

4. Талабгор ваколатли органга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисидаги ариза;

б) мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ тўлдирилган сўровнома;

в) паспорт нусхаси (яшаш учун гувоҳнома — хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахслар учун);

г) олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёхуд хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси;

д) меҳнат дафтарчасининг нусхаси (баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси сифатида иш стажининг борлигини тасдиқлайдиган «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма);

е) 3,5 x 4,5 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;

ж) махсус ўқувдан ўтганлик ҳақида сертификатнинг нусхаси;

з) баҳоловчининг халқаро сертификати нусхаси — халқаро баҳоловчи сертификатига эга талабгорлар учун;

и) малака имтиҳонидан ўтиш ва малака сертификати берилиши учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдордаги йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

5. Мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатлар талабгор томонидан ваколатли органга шахсан, почта ёки электрон алоқаси орқали уларни олинганлигини тасдиқловчи хабарнома билан бирга топширилади.

6. Ваколатли орган ариза тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида талабгорнинг малака имтиҳонига қўйилиши ёки қўйилмаслиги ҳақида қарор қабул қилади.

7. Қўйидагилар талабгорнинг малака имтиҳонига қўйилмаслигига асос бўлади:

а) талабгор мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган талабларга жавоб бермаганда;

б) мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этганда;

в) суд тартибида молия-хўжалик муносабатлари соҳасида муайян лавозимни эгаллаш ёки ушбу соҳада муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганда.

Бошқа асосларга кўра малака имтиҳонига қўйишни рад этишга йўл қўйилмайди.

8. Талабгорни малака имтиҳонига қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ваколатли орган рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда талабгорни ёзма равишда қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилади.

9. Малака имтиҳонига қўйилиши рад этилган талабгор рад этишга сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан кейингина қайта ариза бериши мумкин.

10. Малака имтиҳонига қўйилган талабгор малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳақида имтиҳон ўтказиладиган кундан камида ўн кун олдин почта ёки электрон алоқа воситаси орқали хабардор қилинади.

Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар рўйхати ваколатли органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

11. Талабгорни малака имтиҳонига қўйиш юзасидан қарор қабул қилинганда имтиҳонга қўйилганлар рўйхати имтиҳон комиссиясига топширилади. Бунда малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига қараб, лекин икки ойда камида бир мартаба ўтказилади.

12. Имтиҳон комиссияси таркиби ва тест саволлари ваколатли орган томонидан тасдиқланади. Имтиҳон комиссияси таркибига ваколатли орган ходимлари, шунингдек баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари вакиллари киритилади.

13. Малака имтиҳонини топширишда талабгор паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг аслини тақдим этади.

14. Паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатга эга бўлмаган ёхуд малака имтиҳонига кечиккан талабгорлар келмаган ҳисобланади ва навбатдаги малака имтиҳонидан ўтадиган талабгорлар рўйхатига киритилади, бу ҳақда шахсан, почта ёки электрон алоқаси орқали уч иш кунидан кечиктирмай хабардор қилинади.

15. Агарда талабгор тегишли тарзда хабардор қилинганидан кейин икки маротаба малака имтиҳонини топшириш учун келмаса, тақдим этилган ҳужжатлар талабгорга қайтарилади. Бунда малака имтиҳонидан ўтиш учун тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

Ҳужжатларни қайта топшириш мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

16. Малака имтиҳони компьютерда топшириладиган тест синовлари орқали талабгорнинг танловига кўра ўзбек ёки рус тилида ўтказилади.

17. Тест саволлар вариантлари ва уларнинг жавоблари баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари, шунингдек баҳоловчиларни тайёрлаш марказлари таклифларини ҳисобга олган ҳолда ваколатли орган томонидан тасдиқланган баҳоловчиларнинг ўқув дастури асосида ишлаб чиқилади.

Тест саволлари қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда янгилаб борилади.

18. Тест синови 40 дақиқа ичида ўтказилади ва ўқув дастурининг барча бўлимларини акс эттирувчи 75 та саволдан иборат бўлади.

Саволларининг 70 фоизидан кам бўлмаган саволларга тўғри жавоб берган талабгор малака имтиҳонидан ўтган ҳисобланади.

19. Малака имтиҳонини топшириш жараёнида талабгорга қуйидагилар тақиқланади:

а) қонун ҳужжатлари ва йўриқнома материаллари, ахборотномалар ва махсус адабиётлардан фойдаланиш;

б) мобил алоқа воситаси ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;

в) бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар аудиториядан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади.

Бегона шахсларга малака имтиҳонида иштирок этишга рухсат берилмайди.

20. Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгорга беш иш кунини ичида тақдим этилган ҳужжатлари шахсан ёки буюртма хати орқали қайтариб юборилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

21. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгор малака имтиҳонини такроран топшириш учун мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этишга ҳақли, бунда малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб камида бир ой вақт ўтган бўлиши керак.

22. Малака имтиҳонининг натижалари малака имтиҳони ўтказилган кундан сўнг уч кунлик муддатда имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади ва ваколатли орган буйруғи билан тасдиқланади.

23. Талабгорларнинг тест жавоблари ҳамда имтиҳон комиссиясининг баённомалари ваколатли органда сақланади.

24. Малака имтиҳонининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида малака имтиҳонини ўтказиш жараёни узлуксиз равишда видеоёзувга (овозли) туширилади, видеотасвир ваколатли органда уч йил мобайнида сақланади.

4-боб. Малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш

25. Малака сертификати талабгорнинг фотосурати ёпиштирилган махсус бланкада мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида юридик кучга эга бўлади.

26. Малака сертификатининг бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади ҳамда ҳисобга олиш серияси, тартиб рақами ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Малака сертификатининг бланкалари ваколатли орган буюртманомасига асосан «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади.

27. Малака сертификати ваколатли орган томонидан имтиҳон комиссиясининг баённомаси олинганидан кейин ўн кун муддатда расмийлаштирилади ва малака сертификатининг эгасига ёки ишончнома асосида унинг вакилига баҳоловчилар реестрига имзоси қўйилганидан сўнг берилади.

28. Малака сертификатини биринчи марта олган талабгорга «сертификатланган баҳоловчи» тоифаси берилади.

29. Агар талабгор малака сертификатини расмийлаштириш кунидан бошлаб уч ой ичида уни олишга келмаса ёки уни олишдан ёзма равишда ихтиёрий бош тортса ваколатли орган мазкур сертификатни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда талабгорларга тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

30. Малака сертификати беш йил муддатга берилади ва унинг амал қилиш муддати беш йиллик муддатларга узайтирилиши мумкин.

31. Малака сертификатига эга бўлган ҳар бир баҳоловчи малака сертификати олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар йили баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмаларининг таклифлари ҳисобга олинган ҳолда ваколатли орган томонидан тасдиқланган малака ошириш дастурлари бўйича камида 40 соатлик малака ошириш курсларидан ўтиши шарт.

Малака сертификатини олган баҳоловчи малака ошириш курсларидан ўтмаган тақдирда, у махсус ўқув курсларидан ўтиши керак. Бундай баҳоловчиларнинг малака сертификати амал қилиш муддати фақат махсус ўқув курсларидан ўтганидан кейин узайтирилади.

5-боб. Апелляцияни кўриб чиқиш тартиби

32. Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгор малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб ўттиз календарь куни ичида ваколатли органга апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ёзма равишда тақдим этилади.

33. Ваколатли орган бир ҳафталик муддатда киритилган апелляцияни кўриб чиқади ва талабгорга қабул қилинган қарор ҳақида ёзма равишда хабар беради.

34. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари юзасидан ваколатли орган томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

а) имтихон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

б) апелляция берган шахс учун такроран малака имтихонини ўтказиш тўғрисида.

35. Малака имтихони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

а) апелляция мазкур Низом талабларини бузган ҳолда тақдим этилган бўлса;

б) апелляцияда кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмаса.

36. Малака имтихонини такроран ўтказиш тўғрисидаги қарор апелляция берган талабгорнинг малака имтихони мазкур Низом талабларига зид равишда ўтказилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда қабул қилинади.

37. Ваколатли орган томонидан апелляция берган талабгор учун малака имтихонини такроран ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, такрорий малака имтихони мазкур Низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

38. Талабгор такроран апелляция бериши мумкин эмас.

39. Ваколатли органнинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ судга шикоят қилиниши мумкин.

6-боб. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш

40. Баҳоловчи ваколатли органга малака сертификати муддатини узайтириш учун малака имтихонини топшириш тўғрисидаги мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади. Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

а) мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилган сўровнома;

б) малака сертификатининг асл нусхаси;

в) малака сертификати олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар йили малака ошириш курсидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси.

Ҳар йили малака ошириш курсидан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатлар бўлмаган тақдирда баҳоловчи махсус ўқувдан ўтганлик ҳақидаги сертификатнинг нусхасини илова қилиши лозим;

г) малака имтихонидан ўтиш ва малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридagi йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

41. Малака сертификатининг муддати баҳоловчи малака имтихонини муваффақиятли топширган тақдирда узайтирилади.

42. Малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун малака имтихонидан ўта олмаган тақдирда, малака сертификатини қайтадан бериш мазкур Низом асосида амалга оширилади.

43. Малака сертификатининг амал қилиш муддатининг узайтирилиши белгиланган тартибда мазкур сертификатнинг бланкасида махсус белгини (ёзув) қайд этиш орқали амалга оширилади.

Малака сертификати бланкасида унинг муддатини узайтиришга тааллуқли тўлдирилмаган қаторлар мавжуд бўлмаган тақдирда, баҳоловчига аввалги рўйхатга олиш рақами қўйилган янги малака сертификати берилади. Илгари берилган малака сертификати бланкаси ваколатли орган томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

44. Баҳоловчининг фамилияси (исми, шарифи) ёки паспорт маълумотлари ўзгарган тақдирда, у ваколатли органга малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт, бунда аризага қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган малака сертификатининг асл нусхаси билан бирга тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари илова қилинади.

45. Малака сертификатининг қайта расмийлаштирилиши баҳоловчи томонидан ариза берилган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида амалга оширилади, бунда малака сертификатининг аввалги рақам ва илгари белгиланган амал қилиш муддати янги бланкада берилади. Илгари берилган малака сертификати бланки ваколатли органга топширилиши лозим. Топширилган бланк ваколатли орган томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

46. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган малака сертификатининг ўрнига баҳоловчининг аризасига кўра сертификат дубликати берилади.

Баҳоловчи малака сертификатининг йўқолганлиги ва унинг ҳақиқий эмас деб тан олинганлиги ҳақида матбуотда эълон бериши ва эълон нусхасини ваколатли органга тақдим этиши керак.

47. Малака сертификати дубликатида унинг аввалги қайд этилган рақами ва илгари белгиланган амал қилиш муддати ёзилади, янги бланканинг юқоридаги ўнг бурчагига «Дубликат» ёзуви кўрсатилган бўлиши керак.

Яроқсиз ҳолга келган малака сертификати ваколатли органга қайтарилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

48. Малака сертификатининг дубликатини беришда ёки уни қайта расмийлаштиришда баҳоловчидан энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик фоизи миқдоридан йиғим ундирилади.

7-боб. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ва уни бекор қилиш тартиби

49. Қуйидагилар малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос ҳисобланади:

а) баҳоловчининг аризаси;

б) баҳоланган фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талабларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузиш. Малака сертификатининг амал қилинишини тўхтатишга асос бўлиши мумкин бўлган қонун ҳужжатлари талабларини бир марта қўпол равишда бузишга қуйидагилар киради:

баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳолаш фаолиятини амалга оширишда мустақилликни таъминламаслик;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни ва (ёки) эксперт хулосасини нотўғри тузиш;

баҳолаш ишларини ўтказишда олинган махфий ахборотни мулкдор ёки баҳолаш буюртмачисининг рухсатсиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

баҳоловчининг назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган текширувларда ва бошқа тадбирларда ўзи штатида турадиган ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган баҳоловчи ташкилотнинг тегишли рухсатномасиз (бўйруғисиз) мутахассис сифатида қатнашиши;

в) молия-хўжалик муносабатлари соҳасида муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини назарда тутувчи қонуний кучга кирган суд ҳукми;

г) фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб эътироф этиш тўғрисидаги суд қарори.

50. Малака сертификати унинг амал қилиш муддатини тўхтатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб тўхтатилади. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор ваколатли орган томонидан баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилинади.

Баҳоловчи ташкилот лицензиясининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидабузарликлар учун тўхтатилган тақдирда, лицензия амал қилишини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан баҳоловчи ташкилот лицензиясининг амал қилиниши тўхтатилишига олиб келган қоидабузарликларга йўл қўйган баҳоловчи ва раҳбарнинг малака сертификатлари амал қилиши тўхтайд.

51. Малака сертификати қуйидаги ҳолларда ваколатли органнинг қарорига биноан бекор қилинади:

ваколатли органнинг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги суд томонидан эътироф этилганда;

сертификат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги аниқланганда.

52. Ваколатли органнинг малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарори малака сертификати берилган санадан бошлаб амал қилади.

53. Қонун ҳужжатларини бузганлик учун малака сертификатлари бекор қилинган ёки амал қилиши тўхтатилган баҳоловчилар, малака сертификатлари бекор қилинган ёхуд амал қилиши тўхтатилган санадан бошлаб уч йил мобайнида малака сертификатини такроран олиш учун имтиҳонга қўйилмайди.

54. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

55. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор

қилиш тўғрисидаги қарор беш кунлик муддатда баҳоловчи ва ушбу баҳоловчи мулкни баҳолашда номидан иш юритаётган баҳолаш ташкилотига юборилади.

56. Баҳоловчи унинг малака сертификатини тўхтатиш ёки амал қилишини бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб ўн кун мобайнида мазкур сертификатни ваколатли органга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиш учун қайтариши шарт.

57. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарор устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

8-боб. Баҳоловчиларнинг реестри

58. Ваколатли орган томонидан баҳоловчиларнинг потенциал мижозларини хабардор қилиш мақсадида баҳоловчиларнинг реестри юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

малака сертификати олинган сана, уни олган шахснинг фамилияси, исми, шарифи ва имзоси;

паспорт маълумотлари ва турар жойи;

иш жойи;

малака сертификатининг ҳисобга олиш серияси, рақами ва берилган санаси;

малака сертификатининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги, амал қилиши тўхтатилганлиги, бекор қилинганлиги, қайта расмийлаштирилганлиги ҳамда дубликат берилганлиги тўғрисида маълумотлар.

59. Баҳоловчиларнинг реестри қоғоз ва электрон шаклда юритилади.

Реестр шакли ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

60. Баҳоловчилар реестрига киритилган маълумотлар танишиш учун оммабоп бўлиб, ваколатли органнинг расмий веб-сайтида чоп этилади.

9-боб. Яқуний қоидалар

61. Мазкур Низомни бажариш жараёнида келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

62. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

63. Мазкур Низом «Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти» Жамоат бирлашмаси ва Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси билан келишилган.

*Ўзбекистон баҳоловчилар
жамиятининг раиси*

Н. МИРЗАРАХИМОВА

2019 йил 5 март

*Баҳоловчи ташкилотлар
ассоциациясининг раиси*

А. ИСЛАМОВ

2019 йил 5 март

Баҳоловчининг малака сертификатини
бериш тартиби тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш
агентлиги

Кимдан _____

**Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисида
АРИЗА**

Менга баҳоловчи малака сертификатини олиш учун / амал қилиш муддатини узайтириш учун* малака имтиҳонини топширишга рухсат беришингизни сўрайман.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

20__ йил «____» _____

Шахсий имзо _____

* *Керакли сўзларнинг тагига чизинг.*

Баҳоловчининг малака сертификатини
бериш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

СЎРОВНОМА

Фотосурат
ўрни

1. Фамилияси _____
Исми _____
Отасинини исми _____
2. Туғилган санаси _____
(йили, куни, ойи рақамлар билан ёзилади)

3. Паспорт серияси _____ рақами _____

4. Маълумоти:

_____ (ўқув юрти номи)

_____ (факультети)

Тамомлаган йили _____ диплом рақами _____
Диплом бўйича мутахассислиги _____

Илмий даражаси, илмий унвони (агар мавжуд бўлса) _____

5. Меҳнат дафтарчасидан иш стажи ҳақидаги маълумотлар:

Т/р	Давр		Иш жойи	Лавозими
	ишга кириш даври	ишдан кетиш даври		
1.				
2.				
3.				
...				

6. Уй манзили: _____

7. Иш телефони: _____ Мобиль телефони: _____
(код, рақам) (код, рақам)

8. Электрон почта манзили (e-mail): _____

9. Сўровнама тўлдирилган сана: 20__ йил «__» _____

Шахсий имзо _____

Баҳоловчининг малака сертификатини
 бериш тартиби тўғрисида низомга
 3-ИЛОВА



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI
 BOSHQARISH AGENTLIGI**

**BAHOLOVCHINING MALAKA
 SERTIFIKATI**

_____ -sonli

Fotosurat
 o'rni

Toshkent sh.

20__ yil «__» _____

O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi tomonidan

(kinga — baholovchining F.I.O.)

(pasport seriyasi, raqami, qachon va kim tomonidan berilgan)

(amal qilish muddati)

O'zbekiston Respublikasi hududida ro'yxatga olingan baholash tashkiloti nomidan mulkni baholashga ruxsat beriladi va sertifikatlangan baholovchi toifasi berildi.

O'zbekiston Respublikasi Davlat
 aktivlarini boshqarish agentligi
 (vakolatli shaxs)

_____ M.O'.

Baholovchi malaka sertifikatining amal qilish muddati:

20__ yil «__» _____ dan 20__ yil «__» _____ gacha
 uzaytirilgan.

Imzo _____ M.O'.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

316 Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар билан савдоларни ташкил қилиш»га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2652-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюро-ман:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 31 декабрдаги 01/27-26/30-сон қарори (рўйхат рақами 2652, 2015 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 5-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар билан савдоларни ташкил қилиш»га иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Н. ЖЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 март,
01/10-10/54-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш агентлиги
директорининг 2019 йил 14 мартдаги
01/10-10/54-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг
миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектлари ва
уларга бўлган ҳуқуқлар билан савдоларни ташкил қилиш»га
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 12-банднинг тўртинчи хатбошисидан ва 34-банднинг бешинчи хатбошисидан «(жисмоний шахслар учун) ҳамда талабгорнинг имзоси ва муҳри билан (юримдик шахслар учун)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 32-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«савдолар ташкилотчисининг номи ва почта манзили, телефони, теле-факс, электрон почта манзили ва веб-сайти (агар мавжуд бўлса);».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**317 Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий
дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгарти-
риш киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1682-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашиш-ни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Респуб-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 апрел-да эълон қилинган.

ликаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 9 мартдаги 2007-03, 33, 289-В-сон қарори (рўйхат рақами 1682, 2007 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 22-сон, 227-модда) билан тасдиқланган Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди ўнинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш
агентлиги директори**

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 3 апрель,
2019-28-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 3 апрель,
50-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 3 апрель,
289-В-4-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**318 Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб
чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва
қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3013-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ–5624-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 1 майдаги 180-сон буйруғи (рўйхат рақами 3013, 2018 йил 14 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 20-сон, 427-модда) билан тасдиқланган Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 март,
35-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 11 мартдаги
35-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб
чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 14-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 апрелда эълон қилинган.

«Комиссиянинг қарори асосида ижрочиларни Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритади;»;

еттинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 16-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Аноним мурожаатлар Комиссия томонидан кўриб чиқилмайди.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

319 «**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2063-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги ва «Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 29 декабрдаги 39/1-сонли «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 апрелда эълон қилинган.

тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2063, 2010 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 12-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
5/15-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
16 мартдаги 5/15-сон қарорига
ИЛОВА

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Номи ва 1-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомнинг номидаги, муқаддимасидаги, 1-бандидаги, II бобининг номидаги, 2, 3-бандларидаги, III бобининг номидаги, 4 ва 5-бандларидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

320 Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1344-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ-516-сон «Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 4/20-сон (рўйхат рақами 1344, 2004 йил 30 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 17-сон, 203-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
5/11-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
16 мартдаги 5/11-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 31-банднинг учинчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 46-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

321 «Нобанк кредит ташкилотларида жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Рес-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 апрелда эълон қилинган.

публикаси Марказий банки Бошқаруви ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 344-В ва 26-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2925, 2017 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 968-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 март,
344-В-1-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 март,
13-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 20 мартдаги 344-В-1, 13-сон қарорига
ИЛОВА

«Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Номи ва 1-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) номи ва 1-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар

«, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 2-бандда:

учинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;»;

ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилардаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўққизинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 3-банднинг бешинчи хатбошидаги, 6, 11-бандлардаги, 34-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларидagi, 55, 68 ва 72-бандлардаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 4-бандда:

тўққизинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбоши «молиялаштиришга» деган сўздан кейин «ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

д) 5-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 20-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришнинг» ва «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар тегишли равишда «, терроризмни молиялаштиришнинг ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг» ва «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 36-банднинг 4-кичик бандидаги «ва (ёки) терроризмни молиялашти-

ришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 39-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таваккалчилик даражаси мижознинг амалга оширадиган фаолият ва операциялари турларини, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар, мижозни лозим даражада текшириш натижаларини, таваккалчилик омилларини инобатга олган ҳолда маълумотларни, шу жумладан, мижоз томонидан тақдим қилинган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, масъул ходим томонидан аниқланади ва баҳоланади.»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Нобанк кредит ташкилоти жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни ўрганишни, таҳлил қилишни ва аниқлашни ўз фаолиятида тизимли равишда, йилига камида бир марта амалга ошириши, ўрганиш натижаларини ҳужжатлар билан қайд этиши ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайштиришга доир тегишли чоралар кўриши шарт.

Нобанк кредит ташкилоти таваккалчиликлар тури ва даражасидан келиб чиққан ҳолда таваккалчиликнинг умумий даражасини аниқлаши ва тегишли чораларни амалга ошириши лозим.

Таваккалчиликни баҳолаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этилиши керак.»;

и) 70-банддаги «легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришни» деган сўзлар «легаллаштиришни, терроризмни молиялаштиришни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 2-илова 2-бандининг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларининг 1-иловасида назарда тутилган маълумотлар.»;

л) 3-илованинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мижозни идентификациялаш жараёнида олинган, Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларининг 1, 2-иловаларида назарда тутилган маълумотлар.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

322 «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши ва тўланишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1121-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПҚ–3720-сон «Давлат активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ва 2019 йил 14 январдаги ПҚ–4112-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
46-сон

**Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори**

Н. ЖЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
01/22-10/56-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 апрелда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси****Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
2019-26-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат активларини
бошқариш агентлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги
46, 01/22-10/56, 2019-26-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 25 мартдаги 47, 10-1-48 ва 2002-33-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори (рўйхат рақами 1121, 2002 йил 11 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 7-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 29 октябрдаги 118, 01/06-18 ва 2004-61-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1121-1, 2004 йил 10 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 45-46-сон, 474-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 25 сентябрдаги 83, 01/12-18/02 ва 2006-42-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1121-2, 2006 йил 27 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 43-44-сон, 433-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва

Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 12 сентябрдаги 86, 01/09-26/14 ва 2013-43-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1121-3, 2013 йил 4 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 40-сон, 540-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 163, 01/29-10/29 ва 2017-65-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1121-4, 2017 йил 28 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.11.2017 й., 10/17/1121-4/0332-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

323 Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ–5519-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 11-87, 20-сон қарори (рўйхат рақами 2981, 2018 йил 15 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2018 й., 10/18/2981/0900-сон) билан тасдиқланган Судлар, суд процесслари ва улар

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 апрелда эълон қилинган.

иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 март,
11-24 ққ-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 март,
26 ққ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг
2019 йил 20 мартдаги 11-24 ққ,
26 ққ-сон қарорига
ИЛОВА

**Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг
хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 14¹-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14¹. Адвокат ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун, Ўзбекистон Республикасининг процессуал кодексларига қатъий риоя этган ҳолда, суд биносига компьютер, мобилъ ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга, ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно. Бунда қайд этилган қурилмалардан суд биноси ичкарасида фойдаланиш суд жараёнини ўтказиш тартибини бузмаслиги керак.»

2. 25-банднинг учинчи хатбошисидаги «девонининг» деган сўз «Администрациясининг» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

**Адвокатлар
палатаси раиси**

А. ЭРНАЗАРОВ

2019 йил 20 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

324 **Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2513-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги 113-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги давлат захираларини бошқариш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 26 августдаги 18-сон қарори (рўйхат рақами 2513, 2013 йил 3 октябрь, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 40-сон, 536-модда) билан тасдиқланган Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 113-банди учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор «Ўзбекнефтьгаз» АЖ ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. ҚУРБОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 март,
41-сон

Келишилган:

**«Ўзбекнефтьгаз» акциядорлик
жамияти бошқаруви раиси**

Б. СИДИКОВ

2019 йил 26 март

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 апрелда эълон қилинган.

*«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти бошқаруви
раиси вазифасини бажарувчи*

Х. ХАСИЛОВ

2019 йил 26 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

325 **Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги ПФ–5684-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/14-сон қарори (рўйхат рақами 3003, 2018 йил 1 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 18-сон, 372-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 март,
6/6-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
30 мартдаги 6/6-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд
пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-бандда:
тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
бешинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи —
ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
2. 6-банднинг иккинчи хатбошисидан «банк муҳри босилиб» деган сўзлар
чиқариб ташлансин.
3. 10-банддан «ва нақд пуллар захирасига» деган сўзлар чиқариб таш-
лансин.
4. 11-бандда:
биринчи хатбошидан «ва нақд пуллар захирасининг минимал лимитла-
ри» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.
5. 1-илова мазкур ўзгартиришларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён
этилсин.
6. 4-илова мазкур ўзгартиришларнинг 2-иловасига мувофиқ таҳрирда баён
этилсин.

Ўзбекистон Республикасида банклар
томонидан нақд пул муомаласига доир
ишларни ташкил этиш тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикасида банклар
томонидан нақд пул муомаласига доир
ишларни ташкил этиш тўғрисидаги
йўриқномага
1-ИЛОВА

Ҳисоб-китоб маълумотномаси

20__ йил учун			
Хўжалик юритувчи субъект номи			
Банк номи			
<i>минг сўм</i>			
Кўрсаткич номи	Хўжалик юритувчи субъект томонидан лойиҳалаштирилди		Банк томонидан ўрнатилди*
	20__ йил амалда	20__ йил учун лойиҳа	
I. Касса қолдиғига лимит ўрнатиш тартиби			
1. Ўтган йили банк кассасига топширилган нақд пуллар суммаси			
Шу жумладан:			
1.1. Ўртача бир ойда топширилган сумма (1./12 ойга)			
1.2. Ўртача бир кунда топширилган сумма (1.1./иш кунларига)			
2. Ўтган йил давомида хўжалик юритувчи субъекти кассасидан қилинган харажатлар суммаси			
Шу жумладан:			
2.1. Ўртача бир ойлик харажатлар суммаси (2./12 ойга)			
2.2. Ўртача бир кунлик харажатлар суммаси (2.1./иш кунларига)			
3. Хўжалик юритувчи субъекти кассасидаги нақд пуллар қолдиқ лимити			
II. Нақд пулларни топшириш тартиби ва муддатлари			
1. Нақд пулдаги тушумларни топшириш тартиби			
2. Нақд пулдаги тушумларни топшириш муддатлари			

<i>минг сўм</i>			
Кўрсаткич номи	Хўжалик юритувчи субъект томонидан лойиҳалаштирилди		Банк томонидан ўрнатилди*
	20__ йил амалда	20__ йил учун лойиҳа	
III. Нақд пулда тўланадиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар			
1. Нақд пулда тўланадиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш санаси			
Шу жумладан:			
1.1. Аванс			
1.2. Ойлик			
1.3. Бошқалар			

* банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар билан келишилган ҳолда кассага нақд пуллар қолдиғи лимити, нақд пул тушумини топшириш тартиби, муддати ва нақд пулда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш санаси қатори тўлдирилади.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбари (имзо) Ф.И.О.

Бош (катта) бухгалтер ёки унинг мажбуриятларини бажарувчи шахс (имзо) Ф.И.О.

Банк раҳбари (имзо) Ф.И.О.».

Ўзбекистон Республикасида банклар
томонидан нақд пул муомаласига доир
ишларни ташкил этиш тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикасида банклар
томонидан нақд пул муомаласига доир
ишларни ташкил этиш тўғрисидаги
йўриқномага
4-ИЛОВА

Банк айланма кассасини ички
худудий мувофиқлаштириш тартибида
таъминлашга рухсат берилсин
_____ (млн сўм)

Банк айланма кассасини мадад
пуллари ҳисобига таъминлаш
_____ (млн сўм)

Марказий банкнинг _____
вилояти (республикаси, шаҳри) бўйича
Бош бошқармаси бошлиғи
_____ (имзо)

_____ вилояти (республикаси, шаҳри) бўйича
банк айланма кассаларини нақд пул билан таъминлаш
ҚАЙДНОМАСИ

20__ йил «__» _____ учун

млн сўм

Т/р	Банклар номи	Нақд пул сўраб берилган буюртманинг санаси	Сўралаётган нақд пул суммаси	Нақд пул олишга рухсат берилди		
				ҳисоб-китоб касса марказининг айланма кассалари- даги нақд пуллар ҳисобидан сумма	худудда нақд пулларни қайта тақсимлаш ҳисобидан сумма	Марказий банкнинг Захира фондидан сумма
1	2	3	4	5	6	7

Нақд пул муомаласини ташкил
этиш бошқармаси бошлиғи

(имзо)

Ф.И.О.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**326 Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2547-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПФ–5415-сон «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2018 йил 12 июндаги ПҚ–3785-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **бўюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги 400-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2547, 2013 йил 31 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ 2019 йил 1 июндан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Давлат хизматлари агентлиги директори Х. Турахужаев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 апрель,
193-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2019 йил 18 апрелдаги
193-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида
иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банддаги «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари (бундан буён матнда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 5-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ягона электрон ФХДЁ архивига» деган сўзлар «ФХДЁ ягона электрон архиви» ахборот тизимига (бундан буён матнда электрон ахборот тизими деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Ягона электрон ФХДЁ архивига» деган сўзлар «электрон ахборот тизимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Барча ФХДЁ органларида ҳужжатлар ФХДЁ органларида юритилиши лозим бўлган ҳужжатлар номенклатурасига 1, 1а, 1б-иловаларга мувофиқ электрон ахборот тизимида электрон шаклда юритилади.

Фақат гербли гувоҳномаларни сарфлаш билан боғлиқ дафтарлар 3 — 6 ва 8-иловаларга мувофиқ қоғоз шаклда ҳам юритилади.»

4. Қуйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

«8¹. Электрон шаклда юритилган дафтарлар йил якунлангандан сўнг қоғозга чоп этилиб (икки ва ундан ортиқ варақлардан иборат бўлган тақдирда — варақлари рақамланган ва ип ўтказилган ҳолда), ФХДЁ бўлими раҳбари томонидан имзоланади ҳамда тегишли ҳужжатлар йиғма жилди билан бирга ФХДЁ бўлимларида сақланади, қоғоз шаклидаги алфавит дафтарлари бундан мустасно.»

5. 9-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Гербли гувоҳномаларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан қабул қилиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) томонидан амалга оширилади.»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гербли гувоҳномаларни Агентликдан қабул қилиб олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш Агентликнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг

бўйруғи билан тузилган комиссия (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.».

6. 11-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Қабул қилинган гербли гувоҳномалар комиссия томонидан шу куннинг ўзида Агентликдан қабул қилинган гербли гувоҳномаларни кирим қилиш дафтарига (3-илова) ҳамда электрон ахборот тизимига кирим қилинади.

Агентликнинг ҳудудий бошқармасидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар туман (шаҳар) ҳокимликларида, туман (шаҳар) ҳокимликларидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар ФХДЁ органларида, ФХДЁ органларидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар шаҳарча, кишлоқ, овул фуқаролар йиғинларида (бундан буён матнда ҚФЙлар деб юритилади) худди шу тарзда Агентликнинг ҳудудий бошқармасидан (ФХДЁ органидан) қабул қилинган гербли гувоҳномаларни кирим қилиш дафтарига (4-илова) кирим қилинади.

7. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Агентликнинг ҳудудий бошқармасида гербли гувоҳномаларни туман (шаҳар) ҳокимликларига (Агентликнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ҳам), туман (шаҳар) ҳокимликларида ФХДЁ органларига, ФХДЁ органларида эса ҚФЙларга тарқатиш дафтарлари юритилади. Қоғоз шаклидаги дафтарлар рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва Агентликнинг ҳудудий бошқармаси раҳбари ёки ўринбосари, тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари ўринбосари томонидан унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва сана кўрсатилган ҳолда имзоланиб, муҳрланган бўлиши лозим.».

8. 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «адлия» деган сўз «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гербли гувоҳномалар тегишли ҳокимликнинг ишончномаси асосида тўғридан-тўғри ФХДЁ органлари раҳбарларига, улар вақтинча бўлмаганида (хизмат сафари, меҳнат таътили, касаллик ва ҳ. к.) тегишли бўйруқ билан уларнинг вазифасини бажариш вақтинча юклатилган ходимга Гербли гувоҳномаларни тарқатиш дафтарига (5-илова) уларнинг лавозими, фамилияси ёзилиб, имзо қўйдирган ҳолда топширилади ва бу ҳақда электрон ахборот тизимига маълумот киритилади.».

9. 14-банднинг иккинчи хатбошиси «имзо қўйдирган ҳолда берилади» деган сўзлардан кейин «ва бу ҳақда электрон ахборот тизимига маълумот киритилади» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

10. 15 — 17-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Гербли гувоҳномаларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши ва сарфланиши бўйича масъулият Агентликнинг ҳудудий бошқармасида бошқарма раҳбарининг ўринбосари, ҳокимликда ҳокимнинг масъул ўринбосари, ФХДЁ органларида ФХДЁ органи раҳбарлари ва ҚФЙларда ҚФЙ раислари зиммасига юклатилади. Ушбу шахслар узрли сабабларга кўра вақтинча ишда бўлма-

ганида (хизмат сафари, меҳнат таътили, касаллик ва ҳ. к.) масъулият тегишли буйруқ билан бошқа шахс зиммасига юклатилиши лозим.

16. ФХДЁ органлари томонидан Агентликнинг ҳудудий бошқармасидан гербли гувоҳномаларни қабул қилиб олишда комиссия аъзолари иштирокида ҳар бир гувоҳнома ўрама алоҳида очилган ҳолда текшириб кўрилади. Гувоҳномаларнинг етишмаслиги ёки нуқсонлар борлиги (ҳимоя катакларининг ва босма матннинг йўқлиги ёки бузилганлиги, тартиб рақамларининг такрорийлиги ёхуд бошқа сериялар ёки тартиб рақамлари бўлган, нотўғри шрифтли, нотўғри кесилган ва нотўғри шаклли, серия ва тартиб рақамлари йўқ бўлган ёки ўрам ёрлиғига бошқача тарзда номувофиқ бўлган гувоҳномалар) аниқланган тақдирда, комиссия томонидан уч нусхада далолатнома тузилади ва шу куннинг ўзида Агентликка почта ва факс орқали махсус хабар юборилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси ўрам ёрлиғининг ксеронусхаси билан Агентликнинг ҳудудий бошқармасида қолдирилади. Далолатноманинг иккинчи ва учинчи нусхалари нуқсонли гувоҳномалар чиққан ўрам ёрлиғи, нуқсони бор гувоҳномалар илова қилинган хат билан уч кун ичида Агентликка жўнатилади. Бунда далолатноманинг иккинчи нусхаси Агентликнинг Моддий-техника таъминоти бўлимида қолдирилади, учинчи нусхаси ўрам ёрлиғи ва нуқсони бор гувоҳномалар билан «Давлат белгиси» ДИЧБга юбориш учун Адлия вазирлигининг Ишлар бошқармасига жўнатилади.

17. ФХДЁ органларининг Агентликнинг ҳудудий бошқармасидан қабул қилинган гербли гувоҳномаларни кирим қилиш дафтари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва Агентликнинг ҳудудий бошқармаси раҳбари ёки ўринбосари томонидан унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва сана кўрсатилган ҳолда имзоланиб, муҳрланган бўлиши лозим. ҚФЙларнинг ФХДЁ органидан қабул қилинган гербли гувоҳномаларни кирим қилиш дафтари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва ФХДЁ органи раҳбари томонидан унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва сана кўрсатилган ҳолда имзоланиб, муҳрланган бўлиши лозим.

Агентликнинг ҳудудий бошқармасидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан, туман (шаҳар) ҳокимликларидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар ФХДЁ органлари томонидан ва ФХДЁ органларидан қабул қилинган гербли гувоҳномалар ҚФЙлар томонидан шу куннинг ўзида уларнинг ҳисобга олиниши, сарфланиши ва сақланиши учун масъул шахс томонидан кирим қилинади.»

11. 18-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. ФХДЁ органида гербли гувоҳномаларнинг ҳисобга олиниши, сарфланиши ва сақланиши учун масъул шахс ўзгарган ҳолларда гербли гувоҳномаларни ва уларнинг ҳисобот ҳужжатларини қабул қилиш-топшириш ишлари Агентликнинг ҳудудий бошқармаси раҳбарининг ўринбосари ва туман (шаҳар) ҳокимлиги масъул вакили иштирокида амалга оширилади ва бу ҳақда уч нусхада далолатнома тузилган пайтдан бошлаб гербли гувоҳномаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва сарфлаш масъулияти янги масъул ходим зиммасига юклатилади. Далолатноманинг бир нусхаси ФХДЁ органида, иккинчи

нусхаси туман (шаҳар) ҳокимлигида, учинчи нусхаси Агентликнинг ҳудудий бошқармасида сақланади.»;

иккинчи хатбошидаги «адлия» деган сўз «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 19-бандда:

биринчи хатбошидаги «адлия» деган сўз «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «адлия бошқармаси ва Адлия вазирлигининг» деган сўзлар «Агентликнинг ҳудудий бошқармаси, туман (шаҳар) ҳокимликлари ва Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 20-банддаги «адлия бошқармаси ёки Адлия вазирлиги» деган сўзлар «Агентликнинг ҳудудий бошқармаси ёки Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 21-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Гербли гувоҳномалар, далолатнома ёзувлари ва ФХДЁ органларида юритиладиган бошқа ҳужжатларнинг, шунингдек муҳрлар ва штампларнинг йўқолганлиги ёки ноқонуний сарфланганлиги (фойдаланилганлиги) аниқланганда, ФХДЁ органи томонидан бу ҳақда дарҳол Агентликнинг ҳудудий бошқармасига хабар берилади, бунда Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан 24 соат ичида Агентликка ва тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга махсус хабар берилиши ва беш кун муддат ичида хизмат текшируви ўтказилиши лозим.»;

иккинчи хатбошидаги «Адлия вазирлигига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

15. 22-банддаги «адлия» деган сўз «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан, «Адлия вазирлигига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

16. 24-банддаги «адлия» деган сўз «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан, «ўринбосарларидан бири» деган сўзлар «ўринбосари» деган сўз билан алмаштирилсин.

17. 25-банддаги «адлия» деган сўз «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 29-банд «сарфлаш дафтарига» деган сўзлардан кейин «ҳамда электрон ахборот тизимига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

19. 31-банддаги «адлия» ва «Адлия» деган сўзлар «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 32-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Ҳар ойда ва ҳар чоракда қайд этилган далолатнома ёзувлари ҳақида, шунингдек ҳар чоракда сарфланган ва қолдиқдаги гербли гувоҳномалар тўғрисида ҳисоботлар тузилади ва тегишлилиги бўйича ФХДЁ органлари, Агентликнинг ҳудудий бошқармаси ва Агентликка топширилади. Ҳисоботларнинг тўғрилиги учун ҚФЙларда уларнинг раислари, ФХДЁ органларида уларнинг раҳбарлари, Агентликнинг ҳудудий бошқармасида раҳбарнинг ўринбосари масъул ҳисобланади.».

21. 34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Қоғоз шаклида юритилган алфавит дафтарлари рақамланган, ишонч ёзуви ёпиштирилган ҳолда ип ўтказиб тикилган ва Агентликнинг ҳудудий бошқармаси раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланиб, муҳрланган бўлиши лозим. Ишонч ёзувида Қоғоз шаклида юритилган алфавит дафтари неча варақдан иборатлиги, сана, Агентликнинг ҳудудий бошқармаси раҳбари ёки унинг ўринбосари фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилиши зарур.».

22. 35-банддан «алоҳида ва бир йўла икки нусхада, шунингдек» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

23. 37-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Электрон шаклда юритилган алфавит дафтарлари йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 15 январидан кечиктирмасдан икки нусхада чоп этилиб, бир нусхаси ФХДЁ бўлимида сақланади, иккинчиси ФХДЁ архивига топширилади.».

24. 107-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ФХДЁ органи эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ёзма равишда хабардор қилиши керак.».

25. 124-банднинг иккинчи хатбошисидаги «адлия» деган сўз «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

26. 166-банднинг учинчи хатбошисидаги, 176-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» деган сўзлар «ҳокимликлар, Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

27. 178-банддаги «адлия» деган сўз «ҳокимлик ва Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

28. 180-банддаги «адлия бошқармаси ва Адлия вазирлигининг» деган сўзлар «ҳокимлик, Агентликнинг ҳудудий бошқармаси ва Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

29. 185²-бандда:

биринчи хатбошидаги «адлия» ва «ўринбосарларидан бири» деган сўзлар тегишлича «Агентликнинг ҳудудий» ва «ўринбосари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «адлия» деган сўз «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

30. 185⁵-банддаги «адлия» деган сўз «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

31. 1-иловадаги «Адлия» деган сўз «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан, «Адлия вазирлиги ва адлия» деган сўзлар «Ҳокимлик, Агентлик ва унинг ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

32. 1а-иловадаги «Адлия» деган сўз «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан, «Адлия вазирлиги ва адлия» деган сўзлар «Ҳокимлик, Агентлик ва унинг ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

33. 1б-иловадаги «Адлия» деган сўз «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан, «Адлия вазирлиги ва адлия» деган сўзлар «Агентлик ва унинг ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

34. 3-иловадаги «Адлия вазирлигидан» деган сўзлар «Агентликдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

35. 4-иловадаги «Адлия» деган сўз «Агентликнинг ҳудудий» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

36. 65-иловадаги «1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли» деган сўзлар «2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон» деган сўзлар билан, «138» ва «144» рақамлари «136» ва «142» рақамлари билан алмаштирилсин.

37. 66-иловадаги «1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли» деган сўзлар «2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон» деган сўзлар билан, «138, 146, (147)» рақамлари «136, 143 (144)» рақамлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

327 «Товар ва транспорт воситаларининг божхона кўздан кечируви ҳамда уларни божхона кўригидан ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2714-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5582-сон «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 5 августдаги 01-02/12-34-сон «Товар ва транспорт воситаларининг божхона

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 апрелда эълон қилинган.

кўздан кечируви ҳамда уларни божхона кўригидан ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2714, 2015 йил 11 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 36-сон, 482-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 1 апрелдаги 01-02/12-14-сон «Товар ва транспорт воситаларини давлат божхона хизмати органи ходимлари томонидан кўздан кечириш ҳамда божхона кўригидан ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2714-1, 2016 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 158-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 февраль,
01-02/12-6-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

328 Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3154

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5582-сон «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 апрелда эълон қилинган.

1. Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 февраль,
01-02/12-7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил
20 февралдаги 01-02/12-7-сон қарорига
ИЛОВА

Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5582-сон «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ божхона органининг мансабдор шахси томонидан товарларни кўздан кечируви, божхона кўригини амалга ошириш ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома жисмоний шахсларнинг қўл юки ва кузатиб борилаётган багажига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

божхона кўздан кечируви — божхона органининг мансабдор шахси томонидан транспорт воситаларининг бўлимларини, товарларнинг ўров-идишини очмаган, кўздан кечирилаётган объектларни ва уларнинг қисмларини бўлақларга ажратмаган ва бошқа йўллар билан уларнинг бутлигини бузмаган ҳолда товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг, халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларининг ҳамда жисмоний шахслар багажининг, шу-

нингдек юк ортилган идишларни, контейнерларни, божхона идентификациялаш воситаларининг ташқи кўринишини кўздан кечириш орқали амалга ошириладиган божхона назоратининг тури;

божхона кўриги — қўйилган пломбаларни, муҳрларни ёки божхона идентификациялашининг бошқа воситаларини бузган ҳолда, текширилаётган объектларни ва уларнинг қисмларини бўлакларга ажратиб, демонтаж қилиб ёки бошқа йўллар билан уларнинг бутлигини бузиб, товарларнинг ўрамини ёки транспорт воситасининг юк жойланадиган бўлимини ёхуд идишларини, контейнерларни ва товарлар бўлган ёки бўлиши эҳтимоли бўлган бошқа жойларни очиш орқали амалга ошириладиган божхона назоратининг шакли;

ваколатли шахс — товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси ёки товарга ва (ёки) транспорт воситасига нисбатан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатларга эга бўлган ёхуд товарнинг ва (ёки) транспорт воситасининг эгаси номидан тегишли шартнома ёки ишончнома асосида иш кўрувчи шахс;

декларант — товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи шахс ёхуд унинг номидан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари декларацияланаётган шахс;

товарлар — божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси, валюта бойликлари ва бошқа қимматли қозғалар, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турлари, интеллектуал мулк объектлари, транспорт воситаси, бундан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 13-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган транспорт воситаси мустасно;

товарни чиқариб юбориш — божхона органларининг божхона расмийлаштирувини яқунловчи ва маълум қилинган божхона режими шартларидан келиб чиққан ҳолда товарлардан фойдаланишга ва (ёки) уларни тасарруф этишга рухсат берилганлигини ифодаловчи ҳаракати;

хавф — божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилмаслиги эҳтимолининг даражаси;

хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизими (бундан буён матнда ХБАТ деб юритилади) — хавфнинг олдини олиш ёки уни имкон қадар камайтириш мақсадида товарлар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилувчи, уларнинг аниқлигига баҳо берувчи ҳамда ушбу маълумотларни қайта ишловчи электрон ахборот тизими.

хавф профили — хавф соҳаси, хавф индикаторлари тўғрисидаги маълумотлар йиғиндиси, шунингдек хавфнинг олдини олиш ёки уни имкон қадар камайтириш бўйича зарур чораларни кўриш тўғрисидаги кўрсатмалар;

3. Божхона кўздан кечируви божхона назорати остидаги товарлар ва (ёки) транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни, товарларда, юк ортилган идишларда, транспорт воситаларида ва транспорт воситаларининг

бўлимларида пломбалар, муҳрлар ва бошқа божхона идентификациялаш воситалари мавжудлигини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 195-моддасига мувофиқ божхона кўриги, қоида тариқасида, товарга божхона декларацияси қабул қилинганидан кейин декларант ҳозирлигида ўтказилади. Бунда товарга божхона декларацияси қабул қилингунига қадар божхона кўриги:

божхона мақсадларида товарни идентификациялаш;

баён этилган маълумотларнинг тўғрилигини аниқлаш;

божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги мавжуд ахборотни текшириш;

танлаб текшириш принципига риоя этган ҳолда хавфни бошқариш тизими асосида божхона назоратини ўтказиш;

ушбу Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 275-моддасига мувофиқ декларантнинг ҳуқуқларини амалга ошириш зарур бўлган тақдирда ўтказилиши мумкин.

Товарларнинг тегишли божхона режимига жойлаштирилишида божхона кўриги божхона юк декларацияси тақдим қилинганидан сўнг амалга оширилади.

5. Товар ва транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ХБАТ томонидан белгиланган қуйидаги йўлақларни қўллаш йўли билан амалга оширилади:

«сарик йўлак» — божхона декларацияси, ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш бўйича божхона назорати шакллари хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади;

«қизил йўлак» — божхона назорати шакллари хавф даражаси юқори кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади;

«яшил йўлак» — хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларига нисбатан қўлланилади.

«кўк йўлак» — хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танлов асосида аниқланган товарларга нисбатан қўлланилади. Бунда, божхона назорати шакллари товар ва транспорт воситалари чиқариб юборилгандан сўнг амалга оширилади.

Божхона кўригидан фақат «қизил йўлак» бўйича расмийлаштирилган товар ва транспорт воситалари ўтказилади.

Хавф даражаси ХБАТ томонидан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини тоифаларга ажратиш, хавф профиллари ёки тасодифий танлов асосида аниқланади.

6. Божхона кўриги божхона органи мансабдор шахсининг билдиргиси асосида божхона пости бошлигининг ёзма рухсати билан амалга оширилади, бундан мазкур Йўриқноманинг 7-банди иккинчи ва бешинчи хатбошиси мустасно.

7. Божхона кўриги қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

божхона кўригини ўтказиш ХБАТ томонидан буюрилганда;

божхона органларига бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки давлат бошқаруви органларидан тушган материаллар, шунингдек хорижий давлатларнинг божхона ва бошқа давлат органлари ва халқаро ташкилотлардан олинган маълумотлар мавжуд бўлганида;

божхона органининг мансабдор шахси томонидан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 188-моддасида кўрсатилган божхона назоратининг бошқа шакллари қўллаш натижасида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилганлик аломатлари мавжудлиги маълум бўлганида;

божхона назорати остидаги товарлар битта транспорт воситасидан бошқа транспорт воситасига ёки ушбу транспорт воситасига қайта юкланаётганда.

8. ХБАТда божхона кўригини амалга ошириш назарда тутилмаган ҳолларда божхона кўриги ўтказилса, ушбу кўрикни ўтказиш учун божхона пости бошлигининг ёзма рухсати (асосини кўрсатган ҳолда) ХБАТга киритилиши ҳамда белгиланган йўлак ўзгартирилиши лозим.

9. Божхона органининг мансабдор шахси божхона кўздан кечируви ва божхона кўригини ўтказишда иштирок этувчи шахсларнинг товар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатлилигини текширади.

2-боб. Божхона кўздан кечирувидан ўтказиш

10. Божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган барча товар ва транспорт воситалари божхона кўздан кечирувидан ўтказилади.

Божхона кўздан кечируви ваколатли шахслар иштирокисиз ўтказилиши мумкин, бундан мазкур шахслар божхона кўздан кечирувида ҳозир бўлиш истагини билдирган ҳоллар мустасно.

11. Товарларни божхона кўздан кечирувидан ўтказишда зарур ҳолларда кўздан кечириладиган товар ва (ёки) транспорт воситасининг ички таркибий тузилиши, ўзига хос физик ва таркибий хусусиятлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш мақсадида божхона назорати техник воситаларидан (бундан буён матнда техник воситалар деб юритилади) фойдаланилиши мумкин.

3-боб. Божхона кўригидан ўтказиш ҳамда товарлардан намуна ва синамалар олиш

12. Божхона кўриги бошланишидан олдин божхона органининг мансабдор шахси электрон ёки ёзма равишда божхона кўриги ўтказиладиган жой ва вақт тўғрисида декларантга хабар беради.

Агар божхона кўриги учун тақдим қилинаётган товарлар махсус жиҳозланган жойларда, божхона омборлари ёки божхона назорати остида бўлса, божхона органининг мансабдор шахси божхона кўригини ўтказиш вақтини белгилайди.

13. Божхона органи мансабдор шахсларининг талабига кўра ваколатли

шахслар товарларнинг ва транспорт воситаларининг божхона кўриги ўтказилаётганда ҳозир бўлиши ва уларга зарур кўмак кўрсатиши шарт.

Божхона органининг мансабдор шахси божхона кўригини Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 195-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳолларда декларант ёки ваколатли шахслар иштирокисиз, икки нафар холис ҳозирлигида ўтказишга ҳақли.

14. Олиб кириладиган товарларнинг божхона кўриги уч ой давомида божхона кўриги тартиб-таомили видеоёзуви сақланишини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппаратининг уранишини таъминловчи видеокузатув тизими билан жиҳозланган жойлардагина амалга оширилади.

15. Божхона органининг мансабдор шахси товарларни божхона кўригидан контейнер ёки транспорт воситасининг махсус юк бўлинмасида ўтказиши мумкин, агар:

ХБАТ томонидан товарларни контейнер ёки транспорт воситасининг махсус юк бўлинмасидан тўлиқ тушириш орқали божхона кўригидан ўтказиш белгиланган бўлмаса;

бундай божхона кўриги товарларнинг йўқолиши ёки уларнинг ҳолати ўзгаришига олиб келмаса.

Ўйилувчан, тўкилувчан ёки қуйилувчан ҳолда ортиладиган ва тушириладиган товарлар махсус жиҳозланган жойларда божхона кўригидан ўтказилади.

16. Божхона кўриги бошланиш вақти, божхона органининг мансабдор шахси товарлар ўрамини, транспорт воситалари ёки контейнерларни, юк жойлари ва юк сифимларини, товарлар жойлаштирилган ёки жойлаштириладиган бошқа жойларини кўздан кечириш хатти-ҳаракатларини бошлаган вақтидан ҳисобланади.

17. Божхона кўриги ўтказиётганида божхона органининг мансабдор шахси қўйидагиларни амалга оширади:

а) божхона кўригидан ўтказиладиган барча номдаги товарлар партиясини транспорт воситасидан тўлиқ тушириш назарда тутилган бўлса:

товарларни ўлчаш;

барча юк ўринларини очиб кўриш ва санаб чиқиш;

барча юк ўринларидаги товарлар сонини санаб чиқиш;

б) янги хавф ёки шубҳа ва гумон пайдо бўлган ҳолларда божхона кўригининг ҳажми оширилади;

в) тижорат ҳужжатларида товарлар ягона ўлчовда (дона, жуфт ва бошқа ўлчовда) кўрсатилган ва уларнинг умумий оғирлиги божхона тўлови суммасига таъсир этмаган ҳолларда ҳамда ХБАТда бошқа ҳолатлар кўрсатилмаган бўлса, божхона кўриги давомида товарлар ўлчанмайди;

г) товарларнинг сонини юк кузатув ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар билан таққослайди.

18. Божхона кўриги жараёни асосли сабабларга кўра тўхтатилганда (таннаффус, иш вақтининг тугаши ва бошқа ҳолатларда), божхона органининг мансабдор шахси товарларнинг ўзгартирилмаган ҳолда сақланишини таъмин-

лашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади, шу жумладан юк жойларига, транспорт воситаларига ёки товарлар турган бинога идентификациялаш воситаларини қўяди.

19. Божхона кўриги натижалари бўйича божхона кўриги далолатнома-си расмийлаштирилади.

Божхона кўриги давомида товарларнинг амалдаги сони, хусусияти ва (ёки) товарлар ҳақидаги маълумотлар, божхона юк декларацияси ҳамда юк кузатув ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мос келмаса, ушбу маълумотлар божхона кўриги далолатномасида акс эттирилади.

20. Божхона кўриги натижаларига кўра тафовут аниқланган тақдирда, божхона органининг мансабдор шахси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чоралар қўлланилади.

21. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 189-моддасига мувофиқ божхона кўригидан ўтказилмайди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси собиқ Президентининг шахсий багажи;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг ва Қонунчилик палатаси депутатларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ва Ўзбекистон Республикаси дипломатик паспортлари эгаларининг шахсий багажи, агар мазкур шахслар хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда божхона чегарасини кесиб ўтсалар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий багажи;

чет эл ҳарбий кемалари, жанговар ва ҳарбий-транспорт ҳаво кемалари, шунингдек ўзи юриб келаётган ҳарбий техникаси.

22. Товарнинг хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар етарли бўлмаган ва товарни идентификациялаш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, божхона органининг мансабдор шахси божхона экспертизасини тайинлаб, товарлардан намуна ва (ёки) синамалар олади.

Товарлардан намуна ва (ёки) синамалар олиш Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилаётган товарларнинг намуналарини ва нусхаларини божхона органлари тизимида тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 1269, 2003 йил 29 август) мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Товарларни қайта, қўшимча ҳамда товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона кўригидан ўтказиш

23. Қайта божхона кўригини ўтказиш учун қуйидагилардан бири асос бўлади:

товарлар божхона назорати остида бўлганда декларантнинг асослан-тирилган ёзма талабига асосан божхона пости бошлигининг рухсати;

божхона органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда хорижий давлатлар ёки халқаро ташкилотлардан олинган тезкор-қидирув натижалари ва маълумотлари. Бунда божхона органи бошқарма бошлиғининг рухсати талаб қилинади.

Қайта божхона кўриги мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда қисман ёки тўлиқ ўтказилади.

24. Кўшимча божхона кўригини ўтказиш учун қуйидагилардан бири асос бўлади:

ваколатли шахс кўриқдан ўтказиш натижалари товарнинг бутун туркумига татбиқ этилиши мумкин эмас деб ҳисобласа, товар туркумининг қолган қисми учун унинг ёзма талабига асосан божхона пости бошлиғининг рухсати;

божхона кўригини амалга ошириш жараёнида божхона органининг мансабдор шахсида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши мумкинлиги ҳақидаги асосли шубҳа ва гумон пайдо бўлганда божхона органи мансабдор шахсининг билдиргисига асосан божхона пости бошлиғининг рухсати.

25. Божхона органлари товарлар чиқариб юборилганидан кейин, башарти божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган деб тахмин қилиш учун етарли ва тасдиқланган асослар мавжуд бўлса, божхона кўригини амалга оширишга ҳақли.

Бундай маълумотлар божхона органлари томонидан ўтказилган тезкор-қидирув фаолияти натижасида божхона мақсадлари учун статистик маълумотлар, божхона юк декларацияси ва бошқа ҳужжатлар таҳлили, шахсларнинг хабарнома ва аризалари, чет эл давлатлари, халқаро ташкилотларнинг тегишли органлари ҳамда оммавий ахборот воситаларидан олинishi мумкин.

5-боб. Божхона кўриги жараёнида техник ходимлар, хизмат итлари ва техник воситалардан фойдаланиш

26. Божхона кўриги самарадорлигини ошириш ҳамда товарлар ҳақидаги маълумотларни (уларнинг сони, таркиби, физик ва кимёвий хоссалари, асллиги, махфий жойларнинг борлиги) аниқлаш мақсадида техник воситаларидан фойдаланилади.

27. Божхона органининг мансабдор шахси техник воситаларни қўллаш жараёнида шахсий хавфсизликка, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳит ҳамда товар ва транспорт воситаларига зарар етказмаслик чораларини кўриши лозим.

28. Божхона кўриги амалга оширилишида юкни тушириш ва ортиш ҳамда божхона кўригини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа вазифаларни амалга оширувчи техник ходимлар иштирок этиши мумкин.

29. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқилиши тақиқланган товарлар-

ни аниқлаш мақсадида божхона кўриги зарур ҳолларда хизмат итларидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин.

6-боб. Декларант томонидан товарларнинг кўздан кечируви

30. Декларант божхона декларацияси ва божхона мақсадлари учун зарур бошқа ҳужжатлар берилгунга қадар товарларни божхона назорати остида кўздан кечириш ҳамда ўлчаш, уларнинг намуналари ва нусхаларини олиш ҳуқуқига эга.

31. Товарларнинг декларант томонидан кўздан кечируви декларантнинг божхона органига ёзма мурожаатномасига асосан фақат божхона омбори ҳудудида амалга оширилади. Декларантнинг ёзма мурожаатномаси божхона органининг электрон маълумотлар тизимида рўйхатга олинади.

32. Декларант томонидан товарларнинг кўздан кечируви божхона юк декларацияси берилгунга қадар ўтказилиши мумкин. Бунда божхона органининг мансабдор шахси қуйидагиларни аниқлаши лозим:

кўздан кечиришни амалга ошираётган шахснинг товарларга нисбатан ваколатлилигини;

транспорт воситаларини ташқи тарафдан кўздан кечириш орқали зиён етказилмаганлигини ҳамда божхона идентификациялаш воситаларининг бузилиши орқали товарларнинг йўқолиш эҳтимоллари мавжудлигини;

божхона идентификациялаш воситалари мавжудлиги ҳамда уларга шикаст етказилмаганлигини.

33. Декларант товарларни ўлчаш, улардан намуна ва (ёки) синамалар олиш ҳуқуқига эга.

34. Декларант томонидан товарлардан намуна ва (ёки) синамалар олинганлиги тўғрисида маълумот божхона юк декларациясида кўрсатилади, шунингдек олинаётган намуна ва (ёки) синамалар учун алоҳида божхона декларацияси берилмайди.

35. Декларант божхона юк декларацияси берилгунга қадар амалга оширган кўздан кечируви тўғрисида товарларга илова қилинадиган ҳужжатларга белги қўяди (декларантнинг Ф.И.О., кўздан кечирган санаси ва вақти, аниқланган тафовут (мавжуд бўлса)) ва имзоси билан тасдиқлайди.

7-боб. Божхона кўриги далолатномасини расмийлаштириш

36. Божхона кўриги далолатномаси Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ахборот тизимида мазкур Йўриқноманинг иловасига мувофиқ шаклда электрон тарзда расмийлаштирилади.

Божхона кўригини ўтказиш жараёнида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлик ҳолатлари аниқланганда божхона кўриги далолатномаси А4 форматли оқ қоғозга чоп этилади ҳамда кўрикда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади.

37. Божхона кўриги далолатномасининг нусхаси декларантнинг талаби-

га асосан А4 форматли оқ қоғозга чоп этилиб, божхона кўригини амалга оширган божхона органи мансабдор шахсининг имзоси ҳамда шахсий муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

Божхона кўриги далолатномасига қўйидагилар илова қилинади:

товарлар ўрамида мавжуд бўлган белги намуналари, тамғалар, ёрликлар ва бошқа товарларни идентификациялаш воситалари (мавжуд бўлса);

божхона кўригида қатнашган ёки иштирок этган мутахассисларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси (улар кўрикда иштирок этишга жалб қилинса);

божхона органининг мансабдор шахсидан ташқари божхона кўригида қатнашган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари нусхалари.

Божхона кўриги далолатномасига илова қилинган маълумотлар божхона кўриги далолатномасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

38. Божхона кўриги далолатномаси уч йил мобайнида сақланади. Божхона кўриги далолатномасини сақлаш муддати расмийлаштирилган йилдан кейинги йилдан ҳисобланади.

8-боб. Якуний қоидалар

39. Товарларни кўриқдан ўтказаетган шахслар учун маълум бўлган маълумотлар тижорат сири ҳисобланиб, ушбу маълумотлар фақатгина белгиланган (алоқадор) шахсларгагина ошкор этилиши лозим.

40. Ушбу Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

41. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2019 йил 20 февраль

Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномага
ИЛОВА

Божхона кўриги далолатномаси _____ / _____ / _____-сон

Давлат божхона кўмитасининг ҳудудий бошқармаси _____

Божхона кўриги ўтказилишига асослар: _____

(хавф профили, бошқалар (кўрсатилсин))

Кўрик бошланган вақт: _____ соат, _____ дақиқа, «____» _____

20__ йил

Мазкур далолатнома _____ иштирокида тузилди.

(божхона ходими)

Божхона кўриги ўтказилди:

божхона кўриги

товарлар чиқарилгандан сўнг божхона кўриги

қайта божхона кўриги

кўшимча божхона кўриги

Юк ва (ёки) транспорт воситасига илова қилинган ҳужжат: _____

Кўрик ўтказилган жой: _____

Божхона идентификациялаш воситалари олиб ташланди: _____

Божхона идентификациялаш воситалари: бузилган бузилмаган.

Товар тақдим этилди: _____ бир

ёки бир неча турдаги

(сонини кўрсатинг)

Товар кўрилди _____

(номини кўрсатинг)

Товар тўғрисидаги маълумот: _____, _____

(номи)

(сони)

Тақдим қилинган ҳужжатларга кўра, брутто-вазни: _____ кг.

нетто-вазни: _____ кг.

Кўрик натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди:

Товарнинг умумий брутто-вазни: _____ кг, нетто-вазни: _____ кг.

Товарнинг вазни қуйидаги йўллар билан аниқланди:

аслида ўлчаш

ўрамнинг (кути, қоп ва бошқалар) умумий оғирлигини аниқлаш:

ҳисоб-китоб

турли хилда

транспорт воситасининг давлат рақами _____

(автотранспорт, вагон, контейнер, авиарейс)

Кўриқдан ўтказилган товар декларацияланган товарга мос келади

(ха ёки йўқ)

Кўриқдан ўтказилган товар декларация қилинган товарнинг таърифига мос келмайди: _____

Кўриқда фойдаланилган божхона назоратининг техник воситалари

рентген қурилмаси;

металл детектор (станцион, портатив)

ҳужжатлар, валюта ва қимматли қоғозларни идентификациялаш воситаси

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни идентификациялаш воситаси

наркотик воситаларни масофадан аниқлаш ва идентификациялаш воситаси

дозиметрик назорат воситаси

фото- _____, аудио- _____ видеотехника- _____ ва бошқа аппаратлар

турли асбоблар йиғими

кўриқ божхона назоратининг техник воситаларидан фойдаланилмасдан ўтказилди.

Намуна ва (ёки) синамалар олиш амалга оширилди: _____

(божхона идентификациялаш учун қўйилган воситалардан олинган намуналар ва уларнинг сони)

Қўйидаги қонунбузарликлар аниқланди: _____

Кўриқдан сўнг қўйидаги божхона идентификациялаш воситалари қўйилди: _____

Кўриқ тугатилган вақт: _____ соат, _____ дақиқа, «_____» _____ 20__ йил

Божхона органи ходими _____

(фамилияси, исми, шарифи ва шахсий муҳри)

қўшимча варақлар сони _____

Кўриқда иштирок этган шахслар:

(исми, фамилияси)

(имзо)

(исми, фамилияси)

(имзо)

(исми, фамилияси)

(имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

329 Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3155*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ–4126-сон «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 8-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Раис

Н. ШАРИПОВ

Тошкент ш.
2019 йил 19 март,
01-11/01-05-сон

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 2019 йил 19 мартдаги
01-11/01-05-сон қарорига
ИЛОВА

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш МЕТОДИКАСИ

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ–4126-сон «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳаларини

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 апрелда эълон қилинган.

(бундан буён матнда лойиҳалар деб юритилади), шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларини товар ва молия бозоридаги рақобатга таъсирини баҳолаш (бундан буён матнда рақобатга таъсирни баҳолаш деб юритилади) тартибни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Методикада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат — «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат;

рақобатга таъсирни баҳолаш — лойиҳалар ва амалдаги қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларда товар ва молия бозорларида рақобатни бевосита ёки билвосита чеклайдиган ҳолатларни аниқлаш.

2. Лойиҳалар ва амалдаги қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларда товар ва молия бозорларида рақобатни бевосита ёки билвосита чеклайдиган ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда тегишли чоралар кўриш мақсадида амалга оширилади.

3. Мазкур Методика фавқулудда ҳолатларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва лойиҳаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

4. Қуйидагилар рақобатга таъсирни баҳолашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

лоийҳаларни ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий оқибатларини товар ёки молия бозорларида рақобатни чеклаш қисми бўйича умумий баҳолаш;

қонун ҳужжатларини қўллаш жараёнида товар ёки молия бозорларида рақобатни чеклаш хавфини аниқлаш;

бизнес юритиш учун рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва қисқартириш масалаларини ўрганиш;

товар ва молия бозорининг барча иштирокчиларига товарлар (ишлар, хизматлар) учун тенг имкониятлар яратишда тўсқинлик қилиши мумкин бўлган омилларни аниқлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда товар ва молия бозорларида рақобатни чеклайдиган лойиҳаларни ёки амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар киритиш.

5. Рақобатга таъсирни баҳолаш ваколатли орган томонидан қуйидаги усуллар асосида амалга оширилади:

«ex-ante» — лойиҳаларнинг рақобатга таъсирини баҳолаш;

«ex-post» — амалдаги қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш.

2-боб. Рақобатга таъсирни баҳолашнинг асосий мезонлари

6. Лойиҳа ёки амалдаги қонун ҳужжатининг рақобатга таъсири қуйидаги оқибатларнинг бирига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлганда унинг таъсири рақобат учун салбий деб баҳоланади:

а) товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларининг (бундан буён матнда етказиб берувчилар деб юритилади) доираси ва сонини чеклашга олиб келса, жумладан:

товар ёки молия бозорининг алоҳида иштирокчиларига рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар, эксклюзив ҳуқуқлар, кафолатлар, енгилликлар, преференцияларни берса ёки муддатини узайтирса;

фаолият юритиш шарти сифатида рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи лицензиялаш ёки рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартибини ўрнатса;

айрим етказиб берувчиларнинг ўз товар ва хизматларини реализация қилиш имконини чекласа;

етказиб берувчининг товар ва молия бозорига киришидаги ёки ундан чиқишидаги харажатларини сезиларли даражада оширса;

товар ёки молия бозори иштирокчиларига уларнинг бозорга киришига тўсқинлик қиладиган техник тартибга солишнинг янги шартларини ўрнатса;

хўжалик юритувчи субъектларнинг товар ва хизматларини реализация қилиш ёки иш ўринларини яратиш, шунингдек инвестиция киритиш имконини чекловчи географик тўсиқ ўрнатса.

б) етказиб берувчиларнинг ўзаро рақобатлашиш имкониятини чегараласа, жумладан:

етказиб берувчиларнинг товарларга ва хизматларга нарх белгилаш имкониятини чегараласа;

етказиб берувчиларнинг ўз товар ва хизматларининг рекламаси ёки маркетингини амалга ошириш эркинлигини чегараласа;

айрим етказиб берувчиларга бошқалар олдида афзаллик берувчи ёки товар ва хизматлар харид қиладиган хўжалик юритувчи субъектлар ёки жисмоний шахслар (бундан буён матнда истеъмолчилар деб юритилади) танлаши мумкин бўлган даражадан ошувчи товар сифати стандартларини ўрнатса;

ишлаб чиқариш харажатларини оширса, шунингдек ресурсларни (моддий, молиявий ва меҳнат) айрим етказиб берувчиларга, шу жумладан товар ёки молия бозорининг янги иштирокчисига ажратиш йўли билан, бошқаларнинг харажатларига нисбатан кўпроқ сарфланишига олиб келса;

товар ёки молия бозорларида тадбиркорлик субъектлари иштирокида

давлат корхонаси ёки давлат улуши бор корхоналар тузишни назарда тутса ва унинг натижасида рақобатни чеклайдиган ҳолат юзга келса;

в) етказиб берувчиларнинг бозор муносабатларида ўзаро рақобатлашишга қизиқишини пасайтирса, жумладан:

рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи ўзини ўзи бошқарадиган ёки бир-галикда бошқариладиган тартиб яратса;

рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи маълумотларни, шу жумладан етказиб берувчиларнинг ишлаб чиқариш, нархлар, айланмалар ёки харажатлар бўйича ахборотларини ёритишни талаб этса ёки рағбатлантирса;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амал қилишидан ҳар қандай алоҳида тармоқ ёки етказиб берувчилар гуруҳи фаолиятига иммунитет тақдим қилса;

г) истеъмолчилар учун керакли ахборотни танлаш имконини чегараласа, жумладан:

истеъмолчиларнинг ўз хоҳишлари асосида улар кимдан товар (иш, хизмат) сотиб олиш масаласини ҳал қилиш имкониятларини чегараласа;

истеъмолчиларнинг бир товар ёки маҳсулот етказиб берувчилардан бошқасига ўтишида нархни ошириб, уларнинг имкониятларини камайтирса;

истеъмолчи учун товар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олишда зарур бўлган ахборотнинг асл моҳиятини ўзгартириб, натижада уларнинг адашишига олиб келса.

3-боб. «Ех-ante» усули бўйича рақобатга таъсирни баҳолаш

7. Қуйидагиларни назарда тутувчи лойиҳалар ваколатли органга мажбурий тарзда киритилади:

а) янги чекловларни, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар ва лицензиянинг янги турларини киритиш;

б) лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни, шунингдек қўшимча техник тартибга солиш шартларини жорий этиш;

в) товар ёки молия бозори иштирокчиларида ортикча харажатларга олиб келиши мумкин бўлган талаблар (шартлар)ни киритиш;

г) товар ёки молия бозори иштирокчиларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёз, кафолат ҳамда бошқа преференциялар белгилаш, шунингдек айрим товар ёки молия бозори иштирокчиларига эксклюзив ҳуқуқларни бериш;

д) табиий монополия субъектларининг товар (иш, хизмат)лари нархи (тариф)ини ва бошқа тартибга солинадиган нарх (тариф)ни ошириш;

е) истеъмолчилар ёки товар ва молия бозори иштирокчилари учун инфратузилма ва табиий монополия субъектларининг товар (иш, хизмат)ларидан фойдаланиш шартларини ўзгартириш;

ж) табиий монополия субъектларининг товар ва молия бозорларида иштирокининг мавжудлиги;

з) давлат корхоналари ва табиий монополия субъектларини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш;

и) товар ва молия бозорларида давлат иштироки ёки давлат органларининг исталган кўринишдаги ҳаракатларининг мавжудлиги;

к) товар ва молия бозори иштирокчиларининг исталган кўринишдаги ресурслар, жумладан хом ашё, материаллар, ишчи кучи ва молиявий ресурслардан фойдаланиш шартларининг ўзгариши.

8. Ушбу Методиканинг 7-бандида келтирилган масалалар ишлаб чиқиётган лойиҳада мавжуд бўлган тақдирда, лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан тегишли масаласига кўра қўйидаги маълумотлар тақдим этилади:

а) товар ва молия бозори иштирокчиларининг товар ва молия бозорига кириш харажатлари (бевосита ёки билвосита) ҳисоб-китоби;

б) лойиҳани қабул қилинишидан барча манфаатдор бўлган томонлар учун фойданинг (бевосита ёки билвосита) ҳисоб-китоби;

в) рақобатчи хўжалик юритувчи субъектларининг харажатлари ва фойдалари ҳисоб-китоби;

г) лойиҳанинг қабул қилиниши юзасидан манфаатларига таъсир кўрсатадиган тегишли товар ва молия бозори иштирокчиларининг сони;

д) муқобил нархлар ва тарифлар, шу жумладан бозорга кириб келувчи импорт маҳсулотларнинг нархи;

е) лойиҳа билан тартибга солинадиган товар (иш, хизмат)га эҳтиёжнинг даражаси;

ж) лойиҳани тайёрлашга асос бўлган ҳужжатлар ва таҳлилий маълумотлар.

Лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилот тақдим қилинган ҳисоб-китоблар ва маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавоб беради.

9. Лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари (бундан буён матнда юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатлари лойиҳалари деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ–5519-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Администрацияси Регламенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг регламентида (бундан буён матнда Регламент деб юритилади) белгиланган тартибда мазкур Методиканинг 8-бандида назарда тутилган тегишли ҳужжатлар билан бирга ваколатли органга киритилади.

10. Ваколатли орган томонидан юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиш Регламентда белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари (бундан буён матнда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари деб юритилади) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул

қилиш қоидаларида (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) белгиланган тартибда мазкур Методиканинг 8-бандида назарда тутилган тегишли ҳужжатлар билан бирга ваколатли органга киритилади.

Ваколатли орган томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган Қоидаларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳалари ишлаб чиқилгач, мазкур Методиканинг 8-бандида назарда тутилган тегишли ҳужжатлар билан бирга ваколатли органнинг ҳудудий органларига киритилади.

Ваколатли органнинг ҳудудий органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳаларини кўриб чиқиш Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль) белгиланган тартибда амалга оширилади.

13. Ваколатли орган Регламентда белгиланган муддатларга мувофиқ рақобатга таъсирни баҳолаш ўтказилаётган лойиҳа юзасидан хулоса тақдим этади.

Хулоса икки нусхада тузилади. Бир нусхаси ваколатли органда қолади, иккинчи нусхаси ҳужжатни ишлаб чиққан ташкилотга юборилади.

14. Лойиҳа юзасидан рақобатга таъсирни баҳолаш натижалари ваколатли органнинг хулосаси лойиҳа ишлаб чиқувчи томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилиши лозим.

15. Лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан Регламентга асосан ваколатли органнинг хулосаси лойиҳа билан бирга ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши учун Адлия вазирлигига тақдим этилади.

16. Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилганда унга ваколатли органнинг хулосаси мажбурий тартибда илова қилинади.

4-боб. «Ex-post» усули бўйича рақобатга таъсирни баҳолаш

17. Рақобатга таъсирни баҳолашнинг «ex-post» усули бўйича рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлаш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатлари йилига камида икки мартаба хатловдан ўтказилади.

18. Ваколатли органнинг ташаббусига, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига, жамоатчилик назорати субъектларининг таклиф ва тавсияларига, оммавий ахборот воситалари орқали ўрганилган ёки чоп этилган бошқа материалларни ўрганиб чиқиш натижаларига асосан амалга оширилади.

19. Рақобатга таъсирни баҳолашнинг «ex-post» усули бўйича ўтказил-

ганда ваколатли орган ҳамда унинг ҳудудий органлари амалдаги қонун ҳужжатларининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказди.

20. Ваколатли органнинг ҳудудий органлари ўтказилган хатловлар натижаси юзасидан ваколатли органга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

21. Ваколатли орган амалдаги қонун ҳужжатини рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид деб топганида:

юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатлари юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тегишли тартибда тақлифлар киритади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари юзасидан — рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатини белгиланган муддатда бартараф этиш тўғрисида қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдимнома киритади.

Ваколатли органнинг ҳудудий органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатларини рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид деб топганда улар юзасидан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатини белгиланган муддатда бартараф этиш тўғрисида қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдимнома киритади.

5-боб. Рақобатга таъсирни баҳолаш учун ахборот манбалари

22. Рақобатга таъсирни баҳолашни ўтказишда расмий ва норасмий ахборотлардан фойдаланилади.

23. Расмий ахборотларга қуйидагилар киради:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

ҳалқаро шартномалар;

расмий эълон қилишлар, шу жумладан интернет жаҳон ахборот тармоғининг расмий ресурслари;

ваколатли давлат органларининг статистик маълумот ва ҳисоботлари; суд амалиёти.

24. Норасмий маълумотларга қуйидагилар киради:

ваколатли органга нодавлат ташкилотлар ҳамда фуқаролар томонидан киритилган мурожаатлар;

интернет тармоғининг норасмий жаҳон ахборот ресурслари;

тижорат маълумотлари;

жамоатчилик орасидан ўтказиладиган сўровномалар;

25. Ваколатли орган қуйидагиларга ҳақли:

рақобатга таъсирни баҳолаш ўтказиладиган ҳужжат предметига тааллуқли бўлган маълумотлар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танишишга;

рақобатга таъсирни баҳолаш ўтказиладиган ҳужжатларнинг нормаларига аниқлик киритишга ва улар бўйича тегишли тушунтиришлар олишга;

лойиҳа бўйича манфаатларига алоқадор томонларнинг, шунингдек мустақил экспертлар ва бошқа малакали мутахассисларнинг фикрларини ўрганишга.

26. Ваколатли орган қуйидагиларга мажбур:

рақобатга таъсирни баҳолашни ташкиллаштириш ва ўтказиш учун қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган талабларга риоя қилишга;

рақобатга таъсирни баҳолашни ўтказишда унга маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор этмасликка;

тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланишини таъминлашга.

6-боб. Яқуний қоидалар

27. Ваколатли органнинг лойиҳалар бўйича берган хулосаси ушбу ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун асос бўлади.

28. Мазкур Методикада қайд этилган масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

29. Мазкур Методика талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

30. Мазкур методика Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратураси билан келишилган.

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

2019 йил 11 март

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2019 йил 15 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**330 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш
ва қабул қилиш Қоидаларининг 67-бандига қўшим-
ча киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюроаман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг 67-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси вазирлик ва идоралар томонидан у тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун ичида келишилиши ёки асослантилган эътирозлар билан қайтарилиши керак.».

2. Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси мазкур буйруқни давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 апрель,
197-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 13 апрелдан 19 апрелгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказининг 2019 йил 18 мартдаги 3-мх, 15-қ/қ-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўтиладиган дарс жараёни учун талаб этиладиган хом ашё материаллари билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3152.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги 44, 2019-22-сон «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909-5.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 2-ҚҚ, 01-02/15-18, 4, 01-25-2051-1-сон «Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1717-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 3 апрелдаги 49, 2019-25-сон «Ягона солиқ тўлови тўловчиларининг ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3001-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги

директорининг 2019 йил 5 мартдаги 01/10-12-49-сон «Баҳоловчининг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3153.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 14 мартдаги 01/10-10/54-сон «Ўзбекистон Республикаси Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (3-сон РХМС) «Кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар билан савдоларни ташкил қилиш»га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2652-2.

7. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 3 апрелдаги 2019-28, 50, 289-В-4-сон «Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1682-4.

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 11 мартдаги 35-сон «Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 15 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3013-1.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/15-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2063-2.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/11-сон «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1344-6.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош проку-

ратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 20 мартдаги 344-В-1, 13-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-1.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги 46, 01/22-10/56, 2019-26-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши ва тўланишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1121-5.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 20 мартдаги 11-24ҚҚ, 26ҚҚ-сон «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 16 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981-2.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2019 йил 27 мартдаги 41-сон «Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2513-1.

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 30 мартдаги 6/6-сон «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 17 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003-2.

16. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 18 апрелдаги 193-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2547-2.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 20 февралдаги 01-02/12-6-сон «Товар ва транспорт воситаларининг божхона кўздан кечируви ҳамда уларни божхона кўригидан ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2714-2.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 20 февралдаги 01-02/12-7-сон «Товарларни божхона кўздан кечируви ва божхона кўригидан ўтказишда ҳамда намуна ва (ёки) синамалар олишда божхона тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3154.

19. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 19 мартдаги 01-11/01-05-сон «Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3155.

20. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 19 апрелдаги 197-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг 67-бандига қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-8.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Ягона солиқ тўлови тўловчиларининг ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3001, 2018 йил 16 апрель).

Адлия вазирининг 2019 йил 15 апрелдаги 181-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3063, 2018 йил 29 август).

Адлия вазирининг 2019 йил 15 апрелдаги 182-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат со-

лик қўмитасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1121, 2002 йил 11 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1121-1, 2004 йил 10 ноябрь), (рўйхат рақами 1121-2, 2006 йил 27 октябрь), (рўйхат рақами 1121-3, 2013 йил 4 октябрь), (рўйхат рақами 1121-4, 2017 йил 28 ноябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 апрелдаги 189-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Товар ва транспорт воситаларининг божхона кўздан кечируви ҳамда уларни божхона кўригидан ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2714, 2015 йил 11 сентябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2714-1, 2016 йил 14 апрель).

Адлия вазирининг 2019 йил 19 апрелдаги 194-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.